

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ЎУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ЎУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.A.11.02 РАЌАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ДУРДИЕВА ГАВХАР САЛАЕВНА

**ХИВА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САЌЛАШ ВА
ТАЪМИРЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш**

**МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Маъруза шаклидаги архитектура бўйича фан доктори (DSc)
диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление диссертации доктора (DSc) по архитектуры
в виде научного доклада**

**Contents of abstract of doctor of science
(DSc) on architecture**

Дурдиева Гавҳар Салаевна

Хива меъморий ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш
методологиясини такомиллаштириш..... 3

Дурдиева Гавҳар Салаевна

Совершенствование методологии охраны и реставрации памятников
архитектуры Хивы..... 55

Durdiyeva Gavhar Salaevna

Development of methodology of preservation and restoration of
architectural monuments of Khiva 107

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 111

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА–ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

ДУРДИЕВА ГАВХАР САЛАЕВНА

**ХИВА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ ВА
ТАЪМИРЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш**

**МАЪРУЗА ШАКЛИДАГИ АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Тошкент - 2017

Маъруза шаклидаги архитектура бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/A1 рақам билан рўйхатга олинган.

Мазкур тадқиқот Хоразм Маъмун академиясида бажарилган.

Маъруза шаклидаги докторлик диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган

Расмий оппонентлар:

Ўралов Ахтам Синдарович
архитектура фанлари доктори

Мамажонов Салия
архитектура фанлари доктори

Салимов Орифжон Муслимович
архитектура фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
Академияси “Санъатшунослик” институти

Маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.A.11.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй. Бош ўқув биноси, Катта мажлислар зали. тел.: +99871 234-11-37, факс: +99871 241-13-90. Web: www.taqi.uz, E-Mail: info@taqi.uz)

Маъруза шаклидаги докторлик диссертацияси билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13.тел.: +99871 234-11-37).

Маъруза шаклидаги диссертация 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил “__” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Қ.Аҳмедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, м.ф.д., профессор

Т.Ш. Маматмусаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, м.ф.н.

Т.А.Хидоятлов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, арх.ф.д., профессор

КИРИШ (маъруза шаклидаги архитектура бўйича фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишга оид самарадор йўналиш бўйича ЮНЕСКО ташаббуси билан 413 та қадимий шаҳарлар ҳудудидаги Бутунжаҳон моддий маданий мерос ёдгорликлари рўйхатига киритилган 1007 та объектлардан 779 таси меъморий ёдгорликлар эканлиги диққатга сазоводир¹. БМТ, ЮНЕСКО, ICOMOS каби нуфузли ташкилотлар томонидан маданий меросни сақлаш ва уларни келгуси авлодга етказишга доир - Бутун жаҳон маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция (1972); Тарихий шаҳарларни ҳимоя қилиш ҳақидаги халқаро хартия (Вашингтон хартияси, 1987); Обидаларни, иншоотлар гуруҳини ва диққатга сазовор жойларни рўйхатга олишнинг асосий қонун-қоидалари (1996); Таҳлил қилиш, консервация ва меъморий меросларнинг тузилишини қайта тиклашнинг асосий қонун-қоидалари (2003); Маданий мерос ҳисобланган - тузилма, объект вайроналарининг атрофини сақлаб қолиш тўғрисидаги Сиан декларацияси (2005) каби халқаро ҳужжатларнинг мунтазам равишда қабул қилиниши бу соҳанинг нақадар муҳимлигини кўрсатиб беради².

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги кунда республикада мавжуд 7000 дан зиёд ёдгорликлардан - 2500 таси меъморий ёдгорликлар, 2700 таси археологик ёдгорликлар ва 1800 таси монументал ёдгорликлар бўлиб, уларнинг барчаси давлат муҳофазасига олинган. Истиқлол йилларида Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент ва Термиз каби қадимий шаҳарларнинг (2200-2750 йиллик) юбилейлари муносабати билан кўпчилик меъморий ёдгорликлар таъмирланди, музей кўриқхоналар атрофлари ободонлаштирилди. Мамлакатимизни жадал ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида шаҳарсозлик ва меъморчиликни янада такомиллаштириш, меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари белгиланган. “Маданий мерос объектлари халқнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиздир.Юртимиздаги тарихий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш, буюк аجدодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда ҳали қанчадан-қанча вазифалар турибди”³. Бу борада Хива меъморий обидаларини барқарорлигини таъминлашга доир бошқарув режалари ишлаб чиқилган бўлиб, унда маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш асосида сайёҳлик йўналиши инфраструктурасини такомиллаштириш назарда тутилган.

¹ Список всемирного наследия ЮНЕСКО: <http://whc.unesco.org/en.list>.

² “Бирлашган Бошқарув Режаси 2017-2022 Ичан Калъа, Умумжаҳон Маданий Мероси”

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар билан йиғилишдаги маърузаси. 01.07.2017 й.

Жаҳон миқёсида меъморий ёдгорликларнинг архитектуравий ва бадиий қийматларига техноген ва экологик таъсирларни камайитиришга доир олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари обидаларнинг умрини узайтириш ва уларни келажак авлодга асл ҳолида етказишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, қадимий шаҳарлар барқарорлигини таъминлаш, тарихий меъморий обидаларнинг муҳофаза зонасини тиклаш, обидаларнинг турли параметрлари бўйича маълумотлар банкини тузиш, маданий мерос ёдгорликлари асосида сайёҳлик йўналишларини кенгайтириш, обидаларни консервация қилишда асл қийматини сақлаб қолиш, ёдгорликларни қайта қуриш ва тиклаш бўйича сифатни таъминлаш каби аҳамиятли тадбирлар такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сонли қарори билан “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасини янада такомиллаштириш” бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури, 2017 йил 1 майдаги ПФ-5030-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ва 2017 йил 4 майдаги “2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш” тўғрисидаги Фармонлари ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий – ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴. Меъморий ёдгорликларни сақлаш ва уларни муҳофаза қилишга доир илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассаларида, жумладан, Жаҳон меъморий ёдгорликлари ва ноёб ҳудудларни сақлаш кенгаши ICOMOS (Париж), Моддий меросни сақлаш ва таъмирлаш илмий тадқиқот маркази, ICCROM (Рим), Япония маданий меросини консервация ва реставрация қилиш илмий маркази (JCICC), Моддий маданий меросни тадқиқ қилиш миллий институти NRICT (Токио), Буюк хитой деворини сақлаш маркази (Пекин), Nardino Restawro таъмирлаш лабораторияси (Италия), Bau Haus ва Potsdam университетлари (Германия), Франциянинг CRA Terre ташкилоти, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги RAMAPO KOLLEGE илмий маркази, Raymond lemaire номидаги миллий

⁴ <http://whc.unesco.org/en.list> конференция 1954., Интернет материаллари: <http://www.touruz.narod.ru/khiva>, <http://www.mail.ru/khiva> Рекомендации, одобренная в докладе Комиссии по программе II на ее 34-м пленарном заседании 26 ноября 1976 года. IK2017_нарушения и угрозы_UZ, Literature, F_1954.pdf. file:/E:/Conservation filencharter_ICOMOSAustralia_2013/The-Burra-Charter-2013-Adopted-31.10.2013.pdf

маркази (Бельгия), Бутунжаҳон маданий ва табиий меросини сақлаш Россия миллий қўмитаси қошидаги ЮНЕСКО кафедраси (Москва), “Ўзбек-немис тажрибаси” (Тошкент, ТАҚИ), ЮНЕСКОнинг МДХ давлатлари бўйича халқаро лойиҳалар мисолида олиб борилмоқда.

Меъморий ёдгорликлар бўйича маълумотлар тўплаш, уларни тарғиб қилиш, таъмирлаш ва бадий қийматини сақлаб қолиш ишларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: меъморий обидаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш концепцияси яратилган (ICOMOS); меъморий обидалар бўйича “ахборотлар банки” яратилган (ICCROM); обидаларда ишлатилган қурилиш материалларининг физик-кимёвий хусусиятларини аниқлашда “дифференциал-термоанализ ва электрон микроскопия” усуллари ишлаб чиқилган (Вау Хаус ва Potsdam университети, Германия); бадий безакларни асл ҳолида таъмирлашда кимёвий усуллар такомиллаштирилган (JCICC Япония); археологик маданий меросни сақлаб қолиш бўйича “ёпма конструкциялардан” фойдаланиш тавсия этилган (NRICT, Токио); муҳофизат деворларини таъмирлашда маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланиб “модификацияланган гил”дан фойдаланиш технологияси ишлаб чиқилган (Пекин); меъморий ёдгорликларнинг ер остки ва ер устки қисмларини замонавий қурилиш ашёлари (темирбетон, металл) билан таъмирлаш бўйича конструктив тадбирлар ишлаб чиқилган (Nardino Restawro таъмирлаш лабораторияси, Италия); хом ғишт ва пахсадан тикланган деворларни таъмирлаш ишлари бўйича “созтупроқ+сеймон” ва “созтупроқ+хайвон жуни” таркибли лой қоришмалари тайёрлаш технологияси такомиллаштирилган (GRETtere ташкилоти, Франция); меъморий обидаларга ер остки сувларининг салбий таъсирини ўрганиш бўйича “узоқ муддатли” ва “қисқа муддатли” тадқиқотлар ўтказиш усуллари ишлаб чиқилган (RAMAPO KOLLEGE илмий маркази, АҚШ); маданий мерос рўйхатига олинган шаҳарларда жойлашган ёдгорликларнинг муҳофазаси зоналарини белгилаш бўйича концепция ишлаб чиқилган (Raymond lemaire миллий маркази, Бельгия); меъморий ёдгорликларнинг пойдеворлари бўйича “пирамидасимон металл қозиклар”ни заминга киритиб мустаҳкамлаш бўйича махсус кўрсатмалар ишлаб чиқилган (ЮНЕСКО кафедраси, Москва); меъморий обидаларнинг зилзилабардошлик масалаларини аниқлаш бўйича “сейсмометрик канал” ва “магнит электрик” тадқиқот ўтказиш усуллари такомиллаштирилган (Турин политехника университети ва ТАҚИ, Тошкент); архитектуравий материалшунослик бўйича физик “ультратовуш, электрокосмос” ва физик-кимёвий “ИЛ-спектроскопия” усуллари такомиллаштирилган (Тошкент, ТАҚИ); Тожикистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ICOMOS ташкилотининг маҳаллий бўлимида меъморий обидаларни таъмирлаш, уларни сақлаш ва назорат қилиш тизими яратилган.

Дунёда тарихий меъморий обидаларни муҳофаза қилиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тарихий шаҳарлар барқарорлигини таъминлашда бошқарув режаларини ишлаб чиқиш; меъморий ёдгорликларнинг турли индикаторлари бўйича

маълумотлар базасини яратиш; маданий мерос ёдгорликлари асосида Буюк Ипак йўли бўйича “Олтин Ҳалқа” сайёҳлик йўналиши инфраструктурасини такомиллаштириш; обидаларни консервация қилишда бадиий қийматини йўқотмаслик ва энг кам ўзгартиришлар киритиш бўйича сифатни таъминлаш; меъморий ёдгорликлар ҳудудининг муҳофаза зонасини тиклашда ягона тизим яратиш; таъмирлашда анъанавий ёки уларга мос материал ва технологияларни қўллаш стандартларини белгилаш; меъморчиликда тасвирий ва бадиий воситаларни уйғунлаштириш услубиятини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ноёб меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилишга оид ишлаб чиқилган фармонлар ва қарорлар асосида қадимий шаҳарларнинг бадиий қийматини йўқотмасликка, обидаларни асл ҳолида сақлашга ва таъмирлашга доир бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Хиванинг ижтимоий-иқтисодий тузилмасини, моддий-маданий мерослари ва уларнинг бадиий қийматини аниқлашга қаратилган дастлабки илмий тадқиқот ишларини европалик олимлардан Ж.Хейнбей⁵, Р.Шекспир⁶, Ҳ.Вамбери⁷ ўрганганлар. Хоразмнинг қадимги, ўрта асрлардаги ва XVII-XIX асрлардаги тарихий меъморий ёдгорликлари И.В.Аничков, М.Н.Богданов, А.Л.Кун, А.Д.Калмиков, Н.Н.Муравьев, М.К.Скобелов ва бошқа хорижий сайёҳлар, ҳарбий топографлар, географ олимлар, этнографлар, геологларнинг эътиборини жалб этиб келган.

Қадимги ва ўрта асрлардаги Хоразм меъморий ёдгорликларини тадқиқ қилишнинг биринчи (1936-1939) ва иккинчи (1941-1964) босқичлари С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси гуруҳи томонидан Катта Гулдурсун, Пил қалъа, Ҳазорасп, Қалъажик, Хива ва бошқа шаҳарларида олиб борилган. Қадимги Хоразм меъморий ёдгорликларини ўрганишнинг учинчи босқичи ЎзР ФА Қорақалпоғистон филиалининг тарихчи ва археологлари В.Н.Ягодин, М.Мамбетуллаев, Ғ.Ходжаниязов ва бошқа бир қанча илмий ходимлар томонидан 1952 йилдан то ҳозирги кунгача Миздақхон, Девкесган, Чилпик қалъа, Тупроққалъа, Ичан Қалъада илмий тадқиқотлар амалга оширилган ва рисолалар чоп қилинган. Я.Ғуломов, И.И.Ноткин, В.А.Булатова, Е.Е. Неразик, Б.Н. Засыпкин, М.Е.Массон, В.Бартольд, Ш.Е.Ратия, Л.И.Ремпель, С.Булатов, П.Ш.Зоҳидовлар обидаларнинг тикланиш услуги, меъморий тузилиши ва амалий санъатини, Г.А.Пугаченкова ва Л.Ю.Маньковская эса Хива меъморий обидаларининг типологик хусусиятлари тўғрисидаги муҳим масалаларни ўрганишга оид тадқиқотларни олиб боришган.

Меъморий ёдгорликларни қурилиш материалларини ва конструктив тузилишини ўрганишга доир илмий тадқиқот ишлари (XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги вақтгача) – Э.М. Гендель, А.А. Асанов, В.Л.

⁵ Hunway J. An historical account of British trade over the Caspian Sea: With the authors journal from England throught Russia; and Back Russia, Germany and Holland 2 d ed., revised and corrected. Vol. I-II. — London, 1754.

⁶ Schakesprer R.A. A personal narrative of a Journey from Heart to Orenburg, in the Caspian, in 1840. Blacwood's Magazine, N 320. Vol. LI (1842).

⁷ Вамбери Х. Бухоро ёхуд Мавороуннахр тарихи. - Т., 1991.

Воронина, Н.С. Гражданкина, А.В. Ополовников, К.С. Абдурашидов А.А. Тўлаганов, Н.А. Самигов, Э.Қ.Қасимов., К. И. Штарк, В.А. Лавров ва З. Шодмонова каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Шунингдек, М.Қ. Аҳмедов, Н.Б. Бакланов, Х.Х. Комилов, Д.А. Нозилов, Ю.Писарчук, Х.Ш.Пўлатов, О.М. Салимов, С. Страмцова, А.С. Ўролов, Ш.Низамов, М.А. Юсупова, Ш.Рейимбаев ва бошқа муаллифлар томонидан тарихий шаҳарлар, улардаги ансамбль ва меъморий мажмуаларнинг пайдо бўлиши, обидаларнинг композициясига оид, муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш, санъатшунослик масалалари алоҳида индикаторлар сифатида тадқиқ қилинган. И.Жабборов, А.Абдурасулов каби олимлар асосан Хива меъморий обидаларининг тарихини (XVIII-XX асрлар) ўрганишга доир илмий тадқиқотлар олиб боришган⁸.

Аммо Хива меъморий ёдгорликларининг хусусиятлари замонавий илм-фан нуқтаи назаридан комплекс тарзда етарлича ўрганилмаган, уларни мониторинг қилиш ва турли хил салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш методологияси такомиллаштиришни талаб этади. Тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш, муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир тарихий ёдгорлик учун “Маълумотлар базаси” шакллантирилмаган, ҳамда меъморчилик талаблари даражасида обидаларнинг “паспортлари” ишлаб чиқилмаган. Хива меъморий ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш методологиясининг мукаммал эмаслиги сабабли, ЮНЕСКО тасарруфидаги Ичан Қалъа музей қўриқхонаси ҳудудидаги ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш амалиётида бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Хоразм Маъмун академиясининг «Хоразм меъморий ёдгорликларини физик, биологик ва бошқа таъсирлардан сақлаш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш» 3-устувор йўналиши режасига мувофиқ “Хоразм меъморий ёдгорликлари ҳолатини мониторинги ва уларни ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялаш усуллари ишлаб чиқиш” (2006-2008 йй) ва “Жанубий Оролбўйи меъморий ёдгорликларининг турғунлигини ва умрбоқийлигини таъминлаш учун уларни техник ҳолатини баҳолаш ва мониторингини ўтказиш” (2012-2014 йй) мавзулари доирасида бажарилган.

⁸ Гулямов Я. Памятники города Хивы. — Т., 1941.

Ноткин И. И. Хивинская школа зодчинская конца XVIII нач. XX вв. дис. кан. 1962.

Булатова В.А. Хиванинг архитектура ёдгорликлари. — Т.: Ўздавнашр, 1963.

Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники архитектуры Узбекистана. — Т., 1958.

Ремпель Л. И. Архитектурный орнамент Узбекистана. — Т., 1961.

Маньковская Л.Ю. Хива. Альбом. Т., Гафур Гулям, 1982.

Маньковская Л.Ю. Булатова В.А. Памятники зодчества Хорезма. Т.: Гафур Гулям, 1978.

Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. — Т., 1991.

Зоҳидов П. Хива: Очиқ осмон остидаги музей. — Т., 1997.

Жабборов И. Қўхна харобалар сири. — Т., Ўқитувчи, 1968.

Абдурасулов А. Хива. — Т., 1976, 1996.

Аҳмедов М.Қ. Ўзбекистон ўрта асрлар меъморий ансамбллари тараққиётининг тарихий-назарий асослари.

Меъморчилик док. дис. — Тошкент: ТАҚИ, 1996.

Хўжаниёзов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. Тошкент, 2007, 212 б.

Тадқиқотнинг мақсади Хива меъморий ёдгорликларида қўлланилган анъанавий усулларни тарихий изчилликда аниқлаш ҳамда ёдгорликлардан самарали фойдаланишга қаратилган обидаларнинг архитектуравий-композицион мезонларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қадимий Хоразм ҳудудидаги меъморий обидаларни тиклашда қўлланилган анъанавий усулларни ва материалларни тарихий изчилликда илмий жиҳатдан тавсифлаш;

меъморий обидалар бўйича манбаларни ва архив материалларини умумлаштириш ва маълумотларни меъморчилик талаблари асосида тизимлаштириш;

меъморий ёдгорликларнинг тарихи, архитектуравий композицияси, тузилиши, қўлланилган материаллари ва ҳозирги ҳолати бўйича маълумотлар базасини яратиш;

меъморий ёдгорликларнинг турли хил индикаторлари бўйича сақлаш ва таъмирлаш методологиясини такомиллаштириш;

меъморий ёдгорликларнинг кошинлари ва ҳаттотлик ёзувларини асл ҳолида таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш бўйича такомиллаштирилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш;

анъанавий пахсадевор меъморий биноларнинг қурилиши ва материалларини бугунги қурилиш амалиёти билан қиёсий таҳлил қилиш;

3D моделлаштириш АКТ дастурларини қўллаган ҳолда меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича махсус ишланмалар, илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хива шаҳри ҳудудида жойлашган 98 та тарихий меъморий ёдгорликлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашнинг самарали қонуниятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда статистик, қиёсий, архив материаллари, меъморий лойиҳаларни таҳлил қилиш, мониторинг-кузатув, тажриба-синов, интервью каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қадимий Хоразмшоҳлар давлати тамаддунига хос меъморчилик-қурилиш анъаналарининг VI-XII асрлар давомида шаклланганлиги ва Хива хонлиги даврида (XV-XX асрлар) ўзига хос халқ меъморчилиги мактаби яратилганлиги аниқланган;

ўрта асрлар анъанавий шаҳарсозлигига хос бўлган бош марказ (Кўҳна Арк), иккиламчи марказ (Тош Ҳовли) ва анъанавий турар-жойларнинг мажмуавий тарзда ўзаро боғланганлиги аниқланган;

эски шаҳар композициясини шакллантиришда минорасимон вертикал акцентларнинг ўзаро уйғунлик мезонлари асослаб берилган;

меъморий обидаларнинг меъморчилик тарихи, уларда ишлатилган ашёлар, архитектуравий композиция, аниқ ўлчамлар, тарихий фотосуратлар, қўлланилган усуллар, қурилмалар ва ёдгорликларнинг бугунги кундаги ҳолатлари бўйича каталог тарзида илк бора маълумотлар базаси

шакллантирилган;

меъморий ёдгорликнинг бадиийлиги, кошин безаклари, қўлланилган услублари ва ашёларининг индивидуаллик хусусиятлари очиб берилган;

минораларни тиклашда қўлланилган фанга номаълум пойдевор ва замин қисмини барақарорлигини таъминлашга қаратилган меъморий тадбирларнинг изчиллиги аниқланган;

меъморий обидаларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган тавсиялар бўйича Ичан Қалъа ва Дешон Қалъа ҳудудидаги 10 та ёдгорлик муҳофаза ҳудудининг тикланиши ёдгорликларнинг хорижий ва маҳаллий сайёҳларга муайян даражада хизмат қилиш имкониятини кенгайтирган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яратилган “Маълумотлар базаси” асосида 98 та меъморий ёдгорликларнинг “паспортлари” ишлаб чиқилган;

вилоятда туризмнинг етакчи соҳага айланиши меъморий ёдгорликларнинг сақланиш даражасига боғлиқлиги исботланган;

меъморий обидаларнинг вақт ва турли таъсирлар натижасида эскиришида “ёдгорлик-муҳит” тартибидан келиб чиққан ҳолда бадиий безакларнинг тушиб кетиши, кошинларнинг емирилиши, ёриқларнинг очилиши, ер ости сувларининг ўзгариши бўйича мониторинг тизими ишлаб чиқилган;

меъморий ёдгорликлар бўйича инструментал (геодезик, геологик, сейсмик) ва натура ҳолида (ўлчаш, қайд қилиш, кузатиш) тадқиқот ўтказиш усуллари замонавий асбоб-ускуналар асосида такомиллаштирилган;

илк бора пахсадевор обидаларни таъмирлашда иқтисодий самарадор усул, яъни гилам чиқиндиси қўшилган - “модификацияланган лой қоришмаси”дан амалда фойдаланиш тавсия этилган;

меъморий ёдгорликларнинг кошинларини ва улардаги хаттотлик ёзувларини тўғри таъмирлаш ишларини ташкил этиш учун «уста-шогирд» мактаби яратилган ва самарали ишларни бажаришга замин яратилган;

АКТ дастури ёрдамида Xhiva.uz сайтига жойлаштирилган “Ичан Қалъа тарихий меъморий ёдгорликлари” мавзусидаги маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти яратилган;

Ичан Қалъа ва Дешон Қалъа ҳудудида жойлашган 8 та меъморий обида халқаро сайёҳлик йўналишига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув, усуллар, назарий ва амалий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишларининг самарадорлигини ошириш мақсададида энг замонавий лабораториялар (ЎзР ФА Ядро физика институти, “Ўзбекгидрогеология”, “Сейсмология”, СамДАҚИ, ТАҚИ) билан шартномалар асосида бажарилганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижалар ЎзР Интеллектуал мулк агентлиги томонидан - №000499, № DGU 04604, № BGU 00346, №000500, №000509 рақамли муаллифлик гувоҳномалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга тарихий шаҳарлардаги меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда халқ меъморчилигининг ўзига хос анъаналаридан самарали фойдаланиш эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотларининг фаолиятида, қадимий шаҳарларни реконструкция қилиш бош режаларни ишлаб чиқишда, меъморий обидаларнинг муҳофаза зоналарини аниқлашда, миллий услубларни қўллаган ҳолда замонавий меъморчиликни ривожлантиришда ҳамда олий таълим муассаларида архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги фанларни, ҳамда касб-хунар коллежларининг архитектура, қурилиш, тарих ва туризм йўналишлари бўйича фанларни ўқитишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хива меъморий ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш методологиясини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

Ичан Қалъа худудидаги обидаларнинг архитектуравий-композицион ечимлари бўйича ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган “Ичан Қалъа бошқарув режаларини ишлаб чиқиш ҳаракат режаси” халқаро лойиҳасининг менежмент дастурини ишлаб чиқишда амалда қўлланилган (ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг 2017 йил 28 мартдаги маълумотномаси). Натижада Ичан Қалъа худудидаги 32 та тарихий турар уйлар сақлаб қолинишига эришилган;

меъморий ёдгорликларни келгуси авлодга сақлаб қолиш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилган ишланмадан Ф1-ФА-0-17788 рақамли фундаментал лойиҳанинг “Хумбузтепа ёдгорлигини ҳимоялаш тадбири” қисмини бажаришда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 16 октябрдаги ФТиФ 02-11/880–сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши халқаро сайёҳлик йўналишига киритилган ноёб меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаб қолиш усуллари такомиллаштириш имконини берган;

ишлаб чиқилган илмий тавсиялардан Хивадаги 98 та тарихий-меъморий ёдгорликларни сақлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида амалда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб-чиқариш Бош бошқармасининг 2017 йил 19 октябрдаги 01-01/1068-сонли маълумотномаси). Илмий тавсияларнинг қўлланилиши меъморий обидаларнинг бадиий кўриниши ва уларнинг турғунлик ҳолатини узайтириш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан “Central Asian Earth 2002-2012” Sub-Regional Workshop for the Elaboration of a Three-Year Action Plan for Preservation of Heritage Sites in Central Asia (UNESKO-Uzbekistan, 2004), “ЮНЕСКО: “Проблемы реставрации и использования памятников

архитектуры Узбекистана” (Самарқанд, 2004), симпозиум “Геотехнические проблемы строительства на просадочных грунтах в сейсмических районах” (Душанбе, 2005), “Тенденция развития научных исследований” (Украина, 2011), “Актуальные проблемы архитектуры градостроительства и дизайна”, (Магниторск, 2011), «Промышленное и гражданское строительство в современных условиях» (Москва, 2011), “Всемирное наследие Евразии” (Туркия, 2017), “PROCEEDINGS of the workshop on conservation and management of Temurids architecture” UNESCO – Uzbekistan (Хива 2008), “Жанубий Оролбўйи ёдгорликларини сақлаш муаммолари” (Хива, 2010), “Ўзбекистон анъанавий меъморчилиги ва ландшафт архитектурасини тадқиқ этишининг янги масалалари” (Самарқанд, 2010), “Геотехнические проблемы при строительстве и сохранении исторических объектов культурного наследия” (Самарқанд, 2012), “Сейсмостойкое строительство с применением легких стальных конструкций” КНАУФ - Германия (Тошкент, 2015), “Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишининг умумбашарий аҳамияти” (Тошкент, 2017), “Моддий-маънавий мерос ва умумбашарий қадриятлар” (Тошкент, 2017), “Хоразм воҳаси тарихи жаҳон цивилизациясида” (Хива, 2017), “Жанубий Оролбўйидаги шаҳар ва шаҳар маданияти: тарих ва истиқболлар” (Нукус, 2017) каби республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган. Хоразм Маъмун академияси Илмий кенгаши қошидаги илмий семинарнинг Урганч Давлат университети олимлари билан қўшма йиғилишида (04.09.2017 й.) муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 135 та илмий иш, шулардан 4 та монография (1 таси ҳаммуаллифликда), 3 та илмий-амалий тавсия, 3 та ишланма, 2 та “Маълумотлар базаси”, 2 та АКТ дастури, 3 та муаллифлик гувоҳномаси, 1 та электрон ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган республика илмий журналларида 50 та ва хорижий журналларда 10 та мақолалар нашр этилган.

Маъруза шаклидаги диссертация авторефератининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, нашр қилинган илмий ишлар рўйхатидан ташкил топган, ҳажми 66 бетдан иборат.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Қадимий Хоразм меъморий ёдгорликларини тиклашда қўлланилган анъанавий усулларнинг ва уларда ишлатилган ашёларнинг таҳлили” деб номланиб, меъморий ёдгорликларни тиклашда қўлланилган қадимий меъморчилик услублари, уларда ишлатилган қурилиш материаллари (хом ғишт, пахса, пишган ғишт, турли қоришмалар) таҳлил қилинган ҳамда қадимги Хоразм меъморчилигидаги анъанавий усуллар ва ашёларнинг бугунги кунда ҳам қўлланилиши тавсифланган.

Қадимий Хоразм – дунё тамаддунидаги тарихий ўчоқлардан бири сифатида, ўзининг ноёб пахсадевор меъморий ёдгорликлари – қалъалари, қўрғонлари билан дунёга машҳурдир. Абу Райҳон Беруний ўзининг “Геодезия” асарида: “Хоразмликлар дарёнинг икки соҳили бўйлаб 300 дан зиёд қишлоқ ва шаҳарлар қурганлар, уларнинг харобалари ҳозирги вақтгача сақланиб қолган” деб, бундан 1000 йил олдин ёзиб қолдирган. Буюк фан арбоблари С.П. Толстов ва Я. Ғуломовларнинг маълумотларига асосан милоддан аввалги биринчи минг йилликларнинг бошиданок Хоразм Шарқдаги энг ривожланган қудратли давлат бўлган, ўша даврданок воҳада меъморчилик-қурилиш ривожланган. Ҳақиқатдан ҳам Хоразм - Греция, Рим, Месопотамия каби қадимий шаҳарлар меъморчилик тарихига эга.

1.1. Қадимий қалъаларнинг меъморий тузилиши

Хоразм меъморчилигининг бинокорлик техникасида қўлланилган усулларни “дунёдаги энг катта китобга ҳам сиғдириб бўлмайди”, деган иборани ишлатсак муболаға бўлмайди. Ўтмишда архитектура назарияси фақат бино ва иншоотларни лойиҳалаш билан чегараланиб қолмаган. Хоразмлик уста-меъморлар шаҳарсозликнинг кенг қўламли масалалари билан ҳам шуғулланишган. Маълумки, шаҳарсозлик – шаҳарлар ва аҳоли пунктларини режалаштириш, қурилиш масалалари назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи фандир. Шаҳарсозлик марказлашишга оид бўлган кенг маънодаги - ижтимоий-иқтисодий, санитар-гигиеник, техник-қурилиш ҳамда архитектуравий-бадий масалаларни ечади.



а)



б)

1-расм. Аёз-қалъада ҳозиргача сақланиб қолган пахсадевор обидасининг ноёб элементи, “равоқлар” (Қорақалпоғистон) ва Ичан Қалъа девори (Хива)

Қадим Хоразм ҳудудида математика фанининг ривожланганлик даражаси меъмор-курувчилар ғояларини қурилишга тадбиқ қилишда катта имкониятларни очиб берган. Ўша даврда меъморчилик ва қурилиш жараёнига турли мураккаб шаклли ва юпка девор конструкцияларининг кириб келиши нафақат илмий-техника ривожланиш маҳсули, балки ўша даврнинг эстетик дидидан ҳам далолат беради.

Қадимий Хоразм ҳудудидаги қалъалар оддий лойдан - пахса девор, хом ғиштлардан қурилган бўлиб, ушбу пахса девор ёдгорликлари ўзига хос мураккаб архитектура ечими асосида, жуда юқори даражада арифметик ва геометрик ҳисоблар асосида қурилган (1-расм). Демак, ҳозиргача сақланиб қолган бу ёдгорликлар узок ўтмишимиз ҳақидаги “бебаҳо жонли китоблар” десак муболаға бўлмайди. Жумладан, Ичан Қалъа деворлари (1-расм, б) мил.ав. V-IV асрларда қурилган бўлиб, у мудофаа девори вазифасини ўтаган. Қалъа асрлар давомида бир неча бор таъмирланган, баъзи қисмлари қайта тикланган. Унда ўқ отиш учун шинаклар қўйилган, тўрт тарафига 4 та дарвоза қурилган. 2- расм (а) даги қалъа девори орасига ишланган *ноёб зинапоя* - қалъанинг тепасидаги 2 қаватли “Оқ Шайх бобо” кузатув минорасига олиб чиқади. Ушбу обида XVII асрга оид бўлиб, унинг функцияси 4 тарафдан қалъага келадиган душманларнинг ва карвонларнинг фаолиятини назорат қилишга мўлжалланган.



а)



б)

2-расм. а) - “Оқ Шайх бобо” пахса девор ёдгорлигига қўтарилиш зинапоясининг ички умумий кўриниши; б) – “Чодра Ховли”

Машҳур тарихий меъморий ёдгорлик ҳисобланган Чодра Ховли эса шаҳар ташқарисидаги хоннинг турар-жой биносига мўлжалланган бўлиб, у 4 қаватдан иборат. Минора шаклида қурилган ушбу пахса девор иншоотининг гир атрофи Хоразмнинг анъанавий пахса девори билан ўралган (2-расм, б). Меъморий обида тахминан XVII асрларда қурилган бўлиб, ўлчами 16 х 8 м, баландлиги 22 м.

Пахсадевор мудофаа қалъалари бир қатор муҳим элементлардан таркиб топиб, уларга асос, деворнинг ўзи, пилястр, контрфорс (ғишт тиргович), шинак, бурж, дарвоза ва бошқалар киради. Оралиғида отиш йўлаги бўлган кўшдевор қадимги Хоразм ҳарбий меъморчилигига хос бўлган қурилиш тадбиридир. Девор баландлиги 10 метрдан 20 метргача (айрим ҳолларда янада баланд кўтарилган), қалинлиги эса 5 метрдан 10 метргача, баъзан 14—15 метргача етган.

Ташқи девор доимо ички девордан қалинроқ бўлган: ташқиси 1,3 метрдан 3,5 метргача, ичкиси 1 метрдан 3 метргача қалинликда бўлган. Ҳатто, қалъа деворлари орасига махсус хоналар ҳам ишланган. 3-расмда кўрсатилганидек, Ичан Қалъа пахсадевори ичида хоналар ҳам мавжуд бўлиб, меъморчиликдаги бу тадбир пахсадеворнинг тузилишини ва архитектуравий композициясини янада юқори баҳолайди. Бу эса ўз навбатида қадимий уста-меъморларнинг мураккаб шаклли пахсадевор қалъаларини ҳақиқатан қалин қилиб ишлай олганликларини ҳамда бундай самарали қурилиш усуллари эвазига меъморий иншоотлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш имкониятига эга бўлганликларини исботлайди.



а)



б)

3-расм. Ичан Қалъа пахсадевори орасида жойлашган хонанинг кириш қисми (а); Девор мустаҳкамлигини ошириш учун ишланган “контрфорслар”(б)

Қадимда кўрғонларнинг хом ғиштли хоналари мумкин қадар ихчам бўлган. Масалан, меъморчилик нуқтаи назаридан хом ғиштдан тикланадиган деворнинг узунлиги 5 метрдан, баландлиги эса 3-3,5 метрдан ошмаслиги керак, акс ҳолда зилзила вақтида девор силжиши, қулаши, парчаланиши ёки чоклари ажралиб қолиши мумкин. Баъзида девор мустаҳкамлигини ошириш мақсадида девор ортига тиргаклар-контрфос қўйилган (3-расм, б). Қадимги Хоразм бинокорлик ишида зилзилага қарши хусусиятга эга энг қадимги тадбирлардан биттаси, бу - иншоотлар асосини қум-пахса ёки қум-ғишт билан кўтариш ўзига хос хусусиятли қурилиш тадбири бўлган.

Илк қурилишларда антик мудофаа қурилмаларининг энг зарур элементларидан бири — уларни тиклашда асос (цоколь) қилинмаган. Отиш йўлаги анча пастда жойлашган. Сўнгги қурилган мудофаа

деворлари ва кўрғонларни тиклашда девор конструкцияси таркибига кирувчи - ташқи ва ички девор умумий платформа, яъни пахса асос устига қурилган. Платформани тиклаш учун дастлаб, тўғри тўртбурчакли майдон қалин ғишт девор билан ўраб олинган. Сўнг унинг ичини қум ва хом ғишт қаватлари билан бир-бирини алмаштириб бориш усули билан тўлдириб чиқиб, сунъий платформа қилинган. Қалъа деворлари ҳамда буржларнинг юқори қисми сезиларли даражада тор, асос қисмида эса анча кенг, яъни девор сезиларли даражада нишаб бўлган, натижада платформанинг юқори майдончаси пасткисига қараганда кичикроқ бўлган (4-расм).




4-расм. Ичан Қалъа пахса деворининг нишаблиги ва буржлари

4-расмда кўрсатилганидек, Ичан Қалъа пахса деворининг периметри бўйлаб овал шаклидаги буржлар ишланган бўлиб, улар ҳарбий мақсадлардан ташқари деворларнинг зилзилабардошлигини ва устуворлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Айрим ҳолларда атрофи ўраб олинган кўрғонларнинг пахса деворлари ва бурчаклари яхлит минорачалар билан мустаҳкамланган (5-расм, а). Бу қурилиш тадбири ҳам меъморий обидаларни зилзилага бардошлигини ошириш мақсадида қилинган. Оралиғида юриш йўлаги бўлган девор қадимги Хоразм ҳарбий меъморчилигида энг кўп қўлланилган усулдир. Юриш йўлагининг эни 3 метрдан 8 метргача, баъзан эса 4-12 метргача етган (5-расм, б).

Қалъаларнинг пойдеворларини мустаҳкам қилиб ишлашда ҳам махсус тадбирлар қўлланилган. Пойдевор баландлиги ер сиртига етганда, пойдевор билан цоколь орасига кучсиз лой қоришмасида бир қатор ғишт терилган.



а)



б)


5-расм. Деворларнинг ўртасидаги миноралар (Хива, “Қибла Тозабог” обидаси) (а); Ичан Қалъа деворининг ичкари томонидаги йўлак қисми, бу ерда араваларда юриб жангчиларга озиқ – овқат ва қурол яроғ тарқатилган (б)

Бу ҳам қадимий меъморларнинг антисейсмик чораларидан бири ҳисобланган. Бинонинг пастки ва устки қисми билан боғланмаган ғишт қатлами эса пойдеворни цоколь остида қўзғалишига имкон беради ва пойдеворда вужудга келган зўриқишлар бинонинг юқори қаватларига узатилмайди. Энг аҳамиятли томони шундаки, Хоразмдаги 70% пахсадевор меъморий иншоотларнинг замин қисмини ер ости сувидан ва зилзила кучини сўндириш мақсададида “қум ёстик” тўшамалар билан платформалар шаклида мустаҳкамлашган, цоколь қисмларига эса “қамиш” ётқизиқлар тўшалган. Цокольнинг ер сиртига чиққан қаторига аввал текис қилиб қоришма ёйилган, сўнгра қоришманинг устига 5-10 см қалинликда қамиш бостирилган. Қамиш қатлами устига яна қоришма ёйиб, унинг устига ғишт терилган (6-расм,а).



6-расм. Эрамиздан олдинги VI асрга оид “Қат қалъа” пахса деворининг пастки, цоколь қисмига ётқизилган сейсмоизоляция қамиш қатлами 1 қатор (а); Толиб Махсум мадрасасида эса қамиш қатлами иккита қўйилган, (б) расмда тепа қисмидаги қамиш қатламининг кўриниши;

Пахсанинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари пишиқ ғиштникига нисбатан анча паст бўлганлиги сабабли пахсадан баланд иншоотлар қуриш муаммо бўлган. Бундай ҳолда, яъни девор баландлигини оширишда уларнинг кўндаланг кесими баландлиги ошгани сайин энининг ўлчами камайиб борадиган қилиб қурганлар (7-расм)⁹..




7-расм. “Хазарасп” қалъаси, кўндаланг кесим юзасини қирқимда кўриниши

⁹ Воронина В.Л. Строительная техника древнего Хорезма. М., 1960, С.98.

Ушбу тадбир билан қадимги уста-меъморлар девордаги кучланишнинг баландлик бўйича ҳамда динамик таъсир пайтида вужудга келадиган инерцион кучлар қийматининг ортиб кетишининг олдини олганлар

Қадимий Хоразм меъморчилик-қурилиш тарихида меъморий шаклларнинг ривожланиши бино томини ёпиш конструкцияларининг такомиллашиб боришига боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам қалъа лойиҳасини чизаётган меъмор аввало қандай қурилиш материалларидан фойдаланишни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир хона томини ёпиш услубини олдиндан режалаштирган. Шу тариқа бино томини ёпишга хизмат қилувчи гумбазлар меъморчилик асосини ташкил қилган ва ўзига хос эталон вазифасини бажарган. Шунингдек, меъморий ёдгорликларининг энг чиройли конструкция-ларидан бири бу - равоқлардир (8-расм). Тарихий меъморий ёдгорликлар мажмуаси жойлашган Жанубий Оролбўйидаги ҳар битта обиданинг конструкцияларини таҳлил қилиш жараёнида шунга амин бўлдики, улардаги катта-кичик ҳажмдаги гумбазларнинг ҳар бири турли шаклдаги қатор элементар равоқлар ёки ярим равоқлардан ташкил топган экан.



а)



б)

8-расм. Пахсадевор обидаларидаги ноёб элемент, “равоқлар”
а)- “Аёз-қалъа”даги; б)- “Ишан Қалъа”даги (Қорақалпоғистон)

Қадимшунос олим Самандар Исмаиловнинг ёзишича, - С.П. Толстов “По древним дельтам Окса и Яксарта” китобида археологик ва тарихий маълумотларга асосланиб, қадимги Хоразмдаги бинолар томини гумбазли бостириш усули Византия орқали Римгача ўтиб борган¹⁰. Хоразм меъморий ёдгорликларининг йўлка, йўлак, эшик ва дераза дарчаларининг тепасига ишланган равоқсимон элементлари кўпинча бир ғишт қалинлигида терилган бўлиб, уларнинг равоқсимон конструкциялари деформацияланиб, чок қоришмалари дарз кетган тақдирда ҳам ғиштлири тушиб кетмаган ҳоллар кузатилди (8-расм, а). Бу ишланган равоқлар на фақат иншоотга кўрк бағишлайди, балки конструкция сифатида бинонинг мустаҳкамлигини оширади. Равоқларнинг техник ҳолатлари эса, ўз навбатида унда ишлатилган қурилиш материалларининг сифатига боғлиқдир.


¹⁰ Исмаилов С. Нурли Ўзбекистон – жаҳон цивилизацияси ватани (Қадимги Хоразм тарихи бўйича). Тошкент, 2016, 10,5 б.т.

Меъморий ёдгорликлардаги гумбазлар шаклан бир хил эмас. Амалиётда эгри чизиqli айлана сиртли, дўпписимон, чорси томонли, қайиқсимон, тўртбурчак томонли, тик ва сферик гумбазлар кўп учрайди (9-расмда тик гумбаз ва сферик гумбаз шакллари кўрсатилган).



9-расм. Паҳлавон Маҳмуд мажмуасининг хонақо қисмидаги тик гумбаз ва Сферик гумбаз шакллари

Пахсадевор қалъаларининг муҳим элементларидан яна биттаси бу - уларнинг буржларидир. Бурж қалъа деворларининг периметри бўйлаб, девордан баландроқ қилиб, одатда ташқарига туртиб чиққан ҳолда қурилади (8-расм).




*10-расм. Қадимий пахсадевор қалъа бурчак буржларининг режада кўриниши
а) ва б) расмлар – Қўрғошинқалъа бурчак буржлари;
с) – Тупроққалъа бурчак буржи; д) - Бозорқалъа бурчак буржи.*

Уста-меъморлар қалъа бурчакларини мудофаа қилишга мўлжалланган конструкцияни тиклашда, буржларни симметрик жойлаштиришга алоҳида эътибор беришган. Девор бурчакларнинг турли композициялари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари – квадрат, тўғри тўртбурчак шаклида, баъзилари айланасимон шаклларда тикланган (10-расм, а,б,с,). “Бозорқалъа” (10-расм,


д) деворида тўрт бурчакнинг ҳар бири биттадан бурж билан ҳимояланган, лекин бу ерда улар диагонал жойлаштирилган ва уларнинг ўқи қалъа диагоналининг давоми бўлиб кетган¹¹.

Шунингдек, Хивадаги бир қанча меъморий ёдгорликларнинг 100-180 см баландликдаги деворларининг пастки қисмларини мустаҳкамлигини ошириш мақсадида турли хил металл маҳкамловчи элементлар ёрдамида 25-35 см лик ўлчамдаги горизонтал ташланган ёғоч бруслар зилзилага қарши воситанинг бир тури сифатида ишлатилган (11-расм).



11-расм. Кутлуг Мурад Иноқ мадрасасидаги антисейсмик ёғоч бруслар ва маҳкамловчи металл элементлар (Ичан Қалъа)

Хива меъморий обидаларининг пойдеворларининг товон қисми харсанг тошлардан, юқори қисми эса пишиқ ғиштлардан халқасимон шаклда терилган. Пойдевор ғиштлирини теришда (45° бурчак остида) “арчасимон” шаклларда ҳам ғиштлар терилганлигини аниқланди (12-расм). Бу эса ўз навбатида конструкциянинг зилзилабардошлик хусусиятини ошириш имконини берган.



12-расм. “Тошҳовли саройи”даги ва Ҳасан Мурод қушбеги масжиди пойдеворидаги “арчасимон” шаклда терилган ғиштлар (Хива шаҳри, Ичан – Қалъа)

¹¹ Хўжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари. Тошкент, 2007, 212 б.

Жаҳонга машҳур Хива миноралари тўлалигича пишган ғишдан қурилган, улар кесими айлана юзали, ички ва ташқи айлана деворлари орасида спирал йўналишда тепа майдонга олиб чиқувчи ғиштин зинапоя ишланган конуссимон иншоотлардир. Миноранинг турғунлиги унинг конструкцияси мустаҳкамлигига, материалнинг сифатига ва пойдевор чуқурлигига боғлиқ бўлади. Миноранинг ички девори ҳам ташқи девори сингари тепага кўтарилган сари юпкалашиб боради. Оғир миноралар пойдеворлари эса 3 метр ва ундан ҳам чуқурга қўйилган. Масалан, Саидниёз Шоликорбой масжид минорасининг пойдевор чуқурлиги - 3,5 метр, Ислон Хўжа минорасининг пойдевор чуқурлиги эса - 5,0 метрни ташкил қилади.

Минораларнинг ғиштли пойдевор терилмасининг остига ғишт синиклари ташланиб, устидан ганч-лой билан текисланган тўшама устидан турли хил шаклдаги ва ўлчамдаги – ғишт платформалар қилинган (13-расм). Бу тўшама текисловчи қатлам ҳисобланиб, пойдевор орқали берилган кучларни заминга тенг доирада ўтказиб бериши билан бирга, бир вақтнинг ўзида ҳам сейсмоизоляция ва ҳам гидроизоляция вазифасини ўтаб туради. Баъзи ёдгорликлар остида тошдан терилган пойдеворлар ҳам учрайди (Қутлуғ Мурод инок мадрасаси, Жума масжид ва ҳ.к.).



13-расм. Саидниёз Шоликорбой масжидининг (2010 й, а) ва Ислон Хўжа минорасининг пойдеворларининг умумий кўриниши (2017 й, б)

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қадимги хоразмлик меъмор-усталарнинг юқори даражада геометрия ва математикани яхши билишлари, технологик билимлар ва қурилишни ташкил қила билганликлари, ҳамда меъморчиликда масштаб қонуниятларини мукаммал эгаллаганликлари натижасида тикланган муҳташам қалъа ва қўрғонларнинг кўпчилиги ҳозирда ҳам мустаҳкамлигини йўқотмаган ҳолда ўзининг “иккинчи умрини яшаб” келмоқдалар.

1.2. Меъморий обидаларда ишлатилган ашёлар ва уларнинг ҳозирги кунда қўлланилиши

Меъморий ёдгорликлар конструкцияларининг элементлари деб, қурилиш материалларидан ташкил топган энг кичик қурилишдаги бўлагини қараш мумкин. Уларнинг конструкция элементларини тавсифлаш учун бўлаклаб қарашимиз зарур бўлади. Меъморий ёдгорликларни техник ҳолатини ўрганишда бўлаклаб қараш энг яхши усул ҳисобланади, чунки ҳар бир тарихий обида индивидуал иншоотлардир, уларнинг қурилиш материаллари ва услублари ҳамда конструктив тузилиши ҳам бири-бирини асло такрорламайди. Қадимий Хоразм меъморий ёдгорликларини тиклашда уларни ташкил қилган элементлар ўлчамлари катта аҳамиятга эга бўлган. Уларнинг конструкциясини мукаммал ишлашида қуйидаги омилларнинг ўзаро мутаносиблигини ташкил қилиш алоҳида хусусият касб этади:

ғишт, қумтош, харсанг, гувала ва бошқа хил кўринишдаги бирлик элементлар бўлакчалари;

девор, устун, гумбаз, пойдевор сингари катта шаклда уйғунлашган функционал бўлақлар (функционал бўлак бутун нарсани ифодалайди);

яхлит функционал томон, яъни бинонинг фасад қисмлари. Бу иборалар таъсирида натижаси “ёдгорлик-муҳит” тартиби белгиланади.

Жанубий Оролбўйида гил хом ашёсидан девор, том ёпма конструкциялари тайёрланган ва бу қурилиш ашёси худудда қурилиш техникасини тараққий этиш йўлини белгилаб берган. Қадимги Хоразмда кенг тарқалган гилтупроқдан девор тиклашни 3 та усулда бажарганлар: фақат хом ғиштли, пахса (қолипсиз қуйма усул) ва аралаш. Бу усуллар ичида хом ғиштдан девор териш энг олдин пайдо бўлган, бунга бир қанча юқорида келтирилган қадимги пахсадевор қалъалар ва бинолар мисол бўла олади. Пахса ашёси биноларни тиклашда хом ғиштдан кейин ишлатилган бўлиб, ундан асосан истехкомлар қурилишида кўп фойдаланилган. Хом ғишт - пастки қисми бўлмаган қолипларга қуйиб тайёрланган ва қуёш тафтида қурилган. Кўпчилик ғиштларнинг устки юза қисмига тамға қўйилган бўлиб, бундай 20 хил турдаги тамғали ғиштлар Тупроққала, Ичан Қалъа, Дешон Қалъа меъморий ёдгорликларида учрайди¹². Хом ғиштдан девор қурганда ғиштнинг тамға қисми пастга қаратилиб терилган ва бунда тамға орасига лой кириб, ғиштлар ўзаро маҳкам бирикиш натижасида девор янада яхлитлашиб, мустаҳкамлиги ошган.

Сувашга мўлжалланган пахса деворлар сирти теккисланмаган. Сабаби ғадир-будир пахса девор сомон сувоқни яхши ушлайди (14-расм), ёриқларни тўлдирган сомонли лой деворга пухтароқ ёпишиш билан бирга унинг мустаҳкамлигини оширган.

¹² Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахт қалъалари ва уларнинг қурилиш тарихи. 2004, Нукус. Автореферат. 25 б.



14-расм. Ичан Қалъа пахса деворини ва “Улли Ҳовли” обидасини таъмирлаш учун “сомон-лой” тайёрлаш жараёни

Юқоридаги келтирилганлар маълумотларга асосан айтиш мумкинки, қадимги Хоразмнинг меъморчилик мактаби ўзига хос йўналишга эга бўлган. Қадимий қалъалар ва иншоотларда тўғри бурчак шаклдаги ғиштлар ҳам учрайди. Уларнинг ўлчами 50x25x5см ва 40x20x5 см бўлган. Катта ҳажмдаги қадимги хом ғиштлар босма қолипларда қуйилиб қурилган. Ғиштининг сифати яхши бўлиши учун майдаланган сомон, майда шағал, кум каби қўшимча зичловчи материаллар қўшилган. Хом ғиштлар нафақат девор қурилишида, балки бинонинг устини ёпишда ва полга тўшашда ҳам қўлланилган.

Хоразм воҳасида ёғоч, темир ва шу каби қурилиш ашёлари танқислиги билан характерланадики, бу ҳудудда қадимдан то ҳозиргача асосий қурилиш ашёси сифатида қуйидаги қурилиш материаллари пахсадеворлар қалъаларни таъмирлашда ва уй-жой иморатларни тиклашда фойдаланилиб келинмоқда:

Қум: олдиндан ҳеч қандай ишлов талаб қилмайдиган жуда яхши қурилиш материали бўлган алювиал бўз кумдан қадимги Хоразм бинокорлари зилзилага қарши хусусиятга эга энг қадимги қурилиш хом-ашёси сифатида фойдаланганлар, яъни иншоотлар асосини кум-пахса ёки кум-ғишт билан кўтариш қадимда бинокорлик ишининг ўзига хос хусусияти бўлган. Бунга мисол қилиб, Хивадаги Ичан Қалъа, Тупроққалъа, Аёзқалъа ва ҳ.к. иншоотларнинг барчаси табиий «тагликлар» - кум-тепалар ёки сунъий «тагликлар» устига қурилганлигидир¹³..

Тадқиқотлар натижасига кўра шуни айтиш мумкинки, пахса девор тиклашда қурилиш материали сифатида - кумдан платформаларни тўлдиришда фойдаланиш девор ғиштлирини нам тортишдан ва шўрланишдан сақлаган ва антисейсмик материал бўлиб хизмат қилган.

¹³ Мадаминов М.Р. Қадимий ва ўрта аср Хоразм пойтахт қалъалари ва уларнинг қурилиш тарихи. 2004, Нукус. Автореферат. 25 б.

Тош: қурилиш ишларида пахса ва ғиштлар билан бир қаторда қум тош, мрамор, талк каби тошлар ҳам қўлланилган. Қадимги даврларда тошлар асосан тагкурси, иморат асосларида ишлатилган. Мил.ав. VII аср охири - VI асрга тегишли Қўзалиқир қалъасидаги ҳукмдорлар саройининг ёғоч устунлари остига “тагкурси” тошлари қўйилган.

Ганч: Хоразм меъморий ёдгорликларини тиклашда алебастр-ганчдан қурилиш материаллари сифатида кенг фойдаланилган. Шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, қадимги усталарга оҳақ тайёрлаш ва ундан фойдаланиш усуллари яхши маълум бўлган. Бироқ ганчнинг эластик хоссалари юқорироқ бўлганидан зилзила бўладиган воҳаларда ганч бошқа материаллардан устун қўйилган. Шунинг учун ҳам қадимий Хоразм меъморий ёдгорликларида ганч қоришмасининг ҳажми деворлар ҳажмининг деярли 30-35% ини ташкил этади. Қалъалиқир I да ганчдан тайёрланган (40x40x5 см) ғиштлар топилган¹⁴. Ганч меъморий безаклар учун ҳам ишлатилган. Хоразмлик бинокор усталар ганчдан сарой деворларини ва полларини сувоқ қилганда, шунингдек, ҳайкаллар билан беаганда фойдаланганликлари ганчкорлик касбининг нақадар қадимий эканлигини кўрсатади.

Ёғоч: Бошқа қурилиш материаллари қаторида ёғоч ҳам пахсадевор иншоотларни қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Қадимги Хоразм қурилишидаги 50%га яқин қурилмаларни тиклашда ёғочдан - устун, тўсин, эшик ва дарвозалар ясашда ва конструкцияларни мустаҳкамлашда фойдаланилган. Бундан ташқари лой ашёси чўзилишга қаршилиги ниҳоятда пастлиги боис, усталар конструкцияларнинг ушбу камчилигини йўқотишда, яъни чўзилиш содир бўлиши мумкин бўлган жойларда ёғоч ашёларидан фойдаланганлар.



15-расм. Дешон-Қалъа ёдгорлигининг деворида ёғочларнинг ишлатилиши

¹⁴ Хўжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. Тошкент, 2007, 212 б.

Бошқа қурилиш материаллари қаторида ёғоч ҳам пахса девор қурилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган, девор тиклаш жараёнида уларнинг ораларига ёғоч болор - тўсинлар қўйиб юборилган. Қурилишдаги бу тадбир девор конструкциясини бинонинг замин қисмида бўлиб турадиган зилзилаларга чидамли бўлишини ва атрофидаги пахса-лойни маълум бир чегарагача бўлган масофада намликни ўзига тортиб, сувни буғлатиб юборишга мўлжалланган, ҳамда ушбу болор-тўсинлар усталар юриши учун “ҳавоза” вазифасини ҳам ўтаган (15-расм).

Баъзида маҳаллий халқ орасида қадим даврларда қалъалар қурилиши пайтида, пахса девор орасига одамларни жазолаш тариқасида тириклай кўмиб юборилган, деган мавҳум фикрларни эшитамиз. Биз мутахассислар, бу фикрлар умуман асоссиз деб ҳисоблаймиз. Чунки, барчамиз ҳозирда ҳам гувоҳмизки, пахса девордан биноларни тиклаётган моҳир қурувчилар, пахса девор учун лойни тайёрлаш жуда мураккаб технологик жараён эканлигини яхши билишган. Энг аввало маҳаллий хом-ашё ҳисобланган созтупроқни тошлардан, органик бирикмалардан тозаланиб, сўнгра тоза сув билан лой қоришмаси тайёрланган. Лой қоришмани қадимги даврларда табиий ва сунъий моддалар қўшилган ҳолда, яъни сут зардоби, ўсимликлар қайнатмаси, сомон, ҳайвонлар жуни, қамиш майдаси ва ҳ.к.лар қўшиб тайёрлаганлар. Бунда лойнинг гидрофоблик хусусиятини, яъни сув ўтказувчанлиги камайишини улар жуда яхши билишган. Айниқса, бу тадбирлар девор конструкцияси материалынинг ўзаро бир-бирига жипслашишини (сцеплениясини) оширишини, сейсмикасига қаршилигини, яъни зилзилабардошлигини оширишини яхши билишган, ҳамда турли хил қўшимчалар лой таркибини чидамли, мустаҳкам, ёпишқоқ ҳолда ушлаб деворнинг турғунлигини таъминлашини тажрибалар асосида мукаммал даражада тушунишган. Шунинг учун ҳам одам жасадини пахса девор ораларига қўйиб юборилган дейиш асоссиз, чунки қурилиш materiali билан одам жасадининг биологик, физик-механик хусусиятлари умуман бошқа-бошқа моддалар эканлигини меъмор усталар яхши билишган. Бу ҳолат жазо тариқасида алоҳида айрим белгиланган жойларда қилинган бўлиши мумкин.

X асрдан бошлаб то XX асргача бўлган даврларда Хивадаги қурилишларда пишган ғиштлар кенг кўламда қўлланилган. Пишган ғишт материалларининг кўпайиши ҳашаматли биноларнинг ривожланишига ва уларнинг кўркамлашувига жуда катта таъсир қилган. Ўша вақт меъморий биноларнинг енгил ва муҳим конструкцияларини яратишда ғишт materiali қулай бўлган ва ундан кишининг эътиборини ўзига тортувчи иморатлар қурилган. Хивадаги меъморий иншоотларнинг қурилишида ишлатилган чорси-квадрат ғиштларнинг - томонлари 21 см дан 28 см гача, қалинлиги эса 2,5 см дан - 8 см гача бўлган. Ғишт қалинлигининг ўзгариши, уни териш вақтидаги қоришманинг сарфи ўзгаришига таъсир этган. Ғишт қанча юпқа бўлса, териш учун ишлатилган қоришма шунча кўп сарф бўлган. Масалан, Хивадаги Боғча Дарвозани тиклашда чорси шаклидаги пишган ғиштининг майда хилини (21x21x2,5 см) теришда қоришма ҳаддан зиёд кўп сарф бўлган.

Ғиштнинг чорси шаклда бўлиши тасодифий эмас, агар унга юқоридан куч таъсир қилса юза бўйича кучларнинг тенг тарқалишига эришилган, яъни ғишт "X" ва "У" ўқлари бўйича бир хил ишлаган¹⁵. Ғиштларнинг ўзаро чорси юзаси билан ёпиштирилиб терилган конструкциялар зилзила таъсирига яхши ишлаган, чунки ғишт терилмадаги чорси юзалари йиғиндиси тик чоклари юзалари йиғиндисидан каттадир.

Қуйидаги 16-расмда Хиванинг меъморий ёдгорликларида ишлатилган, жуда кам учрайдиган, яъни ҳажм жиҳатидан бошқа чорси ғиштлардан фарқ қилувчи ғиштлар кўрсатилган. 2011 йил июнь ойида Дешон Қалъа ҳудудида “Дехкон Бозори”ни реконструкция қилиш жараёнида “Югурак бобо” мақбарасини кўчиришда иштирок қилаётган пайтимизда ер ости суви билан тўлиб турган траншея-чуқурдан (ҳозиргача номаълум бўлган хонлик давридаги ер остки йўли, ёки сув чиқариш тизимида оид бўлиши мумкин) жуда мустаҳкам ва ноёб ғиштларнинг қолдиқларини топдик (16-расм).



16 -расм. Дешон Қалъа ҳудудида топилган ер остки йўли, ёки сув чиқариш тизимида оид бўлган қурилиш қолдиқлари



17-расм. Дешон-Қалъа ҳудудидан топилган ер остки сув чиқариш тизимидан олинган турли хил ҳажмли ноёб ғиштларнинг кўриниши

¹⁵ Ўралов А.С., Низамов Ш.Ш. Обидалардаги меъморий уйғунлик ва конструктив яхлитлик.. Т., 2009. Б.157.

Тадқиқот олиб борилган вақтда афсуски, ушбу ер ости йўлакнинг ичи сув билан тўлган ҳолда эди, сув махсус қувур-шлангларда чиқариб ташланди ва юзасида тамғаси бор бўлган ғиштлардан намуналар олинди (17-расм). Ғиштларнинг ўлчами - 26,0x12,2x7,0см; 26,0x26,0x7,0см.

Мустаҳкам тартибда пишган ғишт билан териблиб ишланган Хива меъморий ёдгорликларининг асосий юк кўтарувчи конструкцияси бу - деворларидир. Ташқи деворларининг эни, одатда, қалин ишланган, улар 1,5 метрдан 5-6 метр қалинликкача бўлган. Тарихий меъморий ёдгорликлардаги девор конструкцияларини мустаҳкам қилиб кўтаришда ва атроф-муҳит ўзгаришига ҳам мослашишида сифатли қурилиш материалларидан – ғишт ва ганчнинг ўрни бекиёсдир.

Ўрта асрлар Хива тарихий меъморий ёдгорликларининг аксарият қисми ганчли қоришмалар ёрдамида тикланган. Ганчнинг энг катта мўъжизаси шундаки, ҳатто йиллар ўтиши давомида унинг мустаҳкамлиги қурилган вақтидаги мустаҳкамлигига нисбатан (турли модификацияловчи қўшимчалар қўшилганда) ошиши тажрибалардан маълум. Шунинг учун ҳам ушбу обидалар асрлар давомида аёвсиз вақт таъсирига бардош бериб умрини узайтириб келмоқда десак, муболаға бўлмайди. Айнан, қудуқ ва сардобаларни тиклашда пойдевордан тортиб гумбазигача ғишт теришда қоришма таркибига, ганч қўшиб ишлатилган. Шу хусусда, Қутлуғ Мурод иноқ мадрасасининг ер устки қисми гумбаз билан ёпилган сардобасининг пойдеворини теришда ганчдан унумли фойдаланишганлиги диққатга сазовордир (18-расм).



18-расм. Қутлуғ Мурод иноқ мадрасаси сардобасининг ер устки гумбаз қисми ва ички қудуқ қисмининг пойдеворини ўрганиш жараёни

Ганчли қоришмалар - ўзининг тез қотиши билан ажралиб туради. Қурилиш ишларида шу хоссага муҳтож бўлган равоқ, гумбаз ва пештоқ конструкциялари терилмаларида ганч қоришмаси ишлатилган. Қадимги меъморчиликнинг ашёларини ва қурилмаларини таҳлил қилар эканмиз, ҳозирги энг замонавий қурилиш ва меъморчиликнинг назарий ва амалий пойдевори ўша даврда қуйилган, деган хулосага келдик.

Хоразм вилояти ҳудудида қадимги давр бинокорлигидан то бугунги кунгача қўлланилган қурилиш усуллари ва материалларининг кўпчилиги деярли ўзгармаган. Қурилиш материалларидан асосий ўринда турган лой бундан беш минг йиллар илгари даврлардан бошлаб, ҳозирги кунгача қўллаб келинмоқда. Бунинг сабабларидан бири қишлоқларда лой арзон ва етарли даражада, тайёрлаш имконияти ҳам кўп бўлиб, ҳозирги кундаги фарқи шундаки, лой техника ёрдамида тайёрланиб, яхшилаб пиширилади. Ҳозирда республикамиз қишлоқларидаги турар жойларнинг кўпчилиги (60%) лой-пахсадан қурилмоқда. Лойнинг гидрофоблик хусусиятини ошириш мақсадида қадимги даврларда лойга сут зардоб, ўсимликлар қайнатмаси, сомон, ҳайвонлар жуни, қамиш майдаси қўшиб тайёрлаган бўлсалар, ҳозирда ҳам бу қўшимчалардан зарур ҳолларда қўлланилади. Ҳозирда ғиштнинг ва пахса лойнинг сифати яхши бўлиши, ёрилишнинг олдини олиш ва зилзилабардошликни ошириш учун майдаланган сомон, ўсимликлар, майда шағал, қум каби қўшимчалар зичловчи материал сифатида ишлатилмоқда (19-расм, а).



а)



б)

**19-расм. а)- Пахса деворнинг бурчак қисмларига зилзилабардошликни ошириш мақсадида “рўён” ўсимлигидан фойдаланилмоқда (Хива тумани, 2012 й.);
б) - Хом ғишдан тикланган синчли-нигирик девор(а) (Хива, 2014 й.)**

Шунингдек, бугунги кунда обидаларни ва биноларни таъмирлашда қурилиш материалларининг барча туридан - қум, лой, алебастр каби метериаллар ҳозирги кунда ҳам асосий материаллар сифатида қўлланилмоқда. Қадимдан то ҳозиргача хом ғишт ва ёғочдан тикланаётган синчли-нигирик деворларни қуриш услуби маҳаллий аҳолининг энг кўп фойдаланаётган қурилиш услубидир (19-расм, б).

Ўрта Осиёдаги энг қадимги биноларни гумбаз билан ёпиш усули Хоразм воҳасида машҳур бўлган, бу усул XI-XIV асрларда кучли ривожлангани маълум. Мустақиллик йилларида давлатимиз миқёсидаги қурилишларда гумбаз усули кенг қўламда қўлланилмоқда. Шаҳарларга миллий тус бериш ва манзара ҳосил қилиш мақсадида унча катта бўлмаган маиший хизмат ва

жамоат биноларида ҳам ҳозирги кунда гумбаз ёрдамида том ёпиш кенг тарқалмоқда. Шунингдек, бино ва иншоотларни тиклашда ёғоч ўймакор устунлардан ҳам кенг фойдаланилмоқда (20-расм).



20-расм. Хоразм Маъмун академиясининг миллий услубда тикланган фасади


Шунингдек, ҳозирда ҳам равоқлар уйларнинг дарвозахона ва даҳлизлараро йўлакларида ишлатилмоқда, ҳамда моддий-маданий иморатларнинг қурилишида қадимий меъморларнинг услубларидан кенг фойдаланмоқда. Қадимги меъморчилик билан ҳозирги қурилиш усуллари ўртасида анъанавий ҳоллар кўп, аммо бир оз ўзгаришлар ҳам учраб туради, масалан Хивадаги “Оқ Шайхбобо” пахсадевор ёдгорлигининг қурилиш услубига ўхшатиб, мустақиллик йилларида тикланган “Малика” меҳмонхонасининг кўшки пишган ғиштдан тикланган (21- расм).



21-расм. “Оқ Шайхбобо” пахсадевор ёдгорлиги ва шу услубда мустақиллик йилларида тикланган “Малика” меҳмонхонасининг кўшки (Хива)

Қадимий Хоразм ҳудудида бунёд этилган кўпгина архитектура ёдгорликларининг қурилиш материалларини ва конструкцияларини таҳлил қилар эканмиз, қадимги меъморлар зилзила кучларини иншоотларга таъсир этиш қонуниятини жуда яхши билганлар, деган хулосага келдик. Шунингдек, қадимги уста-меъморлар меъморий ёдгорликларнинг мустаҳкамлиги уларни кўтариб турган девор, устунлар ва пештоқларнинг эксплуатация ҳолатига ҳам боғлиқлигини яхши билганликлари боис, конструкцияларни тиклашда ишлатиладиган қурилиш материалларининг сифатига ва уларни тайёрлаш технологиясига жуда катта эътибор беришган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Хива меъморий ёдгорликларига техноген ва экологик салбий таъсирларнинг таҳлили”** деб номланиб, Хива ҳудудида жойлашган меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолатига экологик ва техноген таъсирларнинг турлари, хусусиятлари ва моҳияти бўйича фарқланадиган омилларнинг бир бутун гамма таъсир қилиши таҳлил қилинган. Хиванинг мўъжизаси ҳисобланган Ичан Қалъа 1967 йилда Ўрта Осиёда ягона кўриқхона шаҳар деб тан олинди, 1990 йил декабр ойида эса ЮНЕСКО тасарруфига - жаҳон маданияти ва мероси рўйхатига киритилди ва шаҳарга **“Хива - очик осмон остидаги музей шаҳар!”** деган олий мақом берилди (22-расм).



22-расм. “Ичан-Қалъа” музей кўриқхонасининг аэрофотосурати

“Башарият учун қимматли бўлган бундай бойлик вақт таъсири ва инсон аралашувидан муҳофазаланишга муҳтождир. Хива ва Бухоро меъморчилиқ обидаларининг умуминсоний қадриятлар рўйхатига киритилиши уларнинг


дунё аҳамиятига моликлиги тан олинганлигидан далолатдир, айни вақтда уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳақида ҳар биримизга қарата мурожаатдир”¹⁶. Хива шахрининг жаҳон маданияти тараққиётида тутган алоҳида ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ЮНЕСКО Бош конференциясининг 1995 йилда Парижда ўказилган 28-сессияси Хива шахрининг 2500 йиллигини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қарорини қабул қилди.

1997 йилнинг 20 октябрида Хиванинг 2500 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Ушбу тантанага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов Хиванинг ўтмиши, бугуни ва келажигига юксак баҳо берди. “Хива - Ўзбекистон фаҳри!” дея қадимий шаҳарнинг шаънига илиқ сўзлар айтди.

Ичан Қалъа ва Дешон Қалъада жуда кўплаб тарихий меъморий обидалар ва қадимий уй-жойлар мавжуддир. Инсон қўли билан яратилган бу ажойиб мўъжизакор обидаларнинг кўпчилиги бугунги кунда экологиянинг ва инсонларнинг салбий таъсирларидан талофат кўрмоқда, шунинг учун ҳам уларни келгуси авлод учун сақлаб қолиш ва таъмирлаш ишларини тўғри бажаришнинг аҳамияти жуда катта. Бугунги кунда меъморий обидаларга нафақат табиий таъсирлар (зилзилалар, сув тошқинлари, кучли шамоллар, иқлим ўзгариши - қаттиқ совуқ ва иссиқ ҳаво оқимлари, қоришмаларнинг музлаб-эриши) билан биргаликда инсонларнинг фаолиятидан келиб чиқадиган салбий таъсирлар (техноген таъсир, грунт сувларининг сатҳи, фойдаланиш шароитларининг бузилиши, сейсмик таъсирлар, термитлар таъсири ва ҳ.к.) мавжуд (1-схема).

Узоқ вақт ўтиши билан бинолар ва иншоотларга нисбатан ташқи таъсирга оид омиллар камаймайди ёдгорликнинг таркибий қисмини ташкил қилувчи конструктив материаллар аста-секин эскиради. Бунда материалларнинг бошланғич мустаҳкамлигининг камайиши ва бунинг оқибатида конструкцияларнинг узоқ вақт давом этадиган деформацияларининг вужудга келиши содир бўлади. Бугунги кунда мамлакатимизда меъморий ёдгорликнинг асос-пойдеворлари, ер устки конструкциялари, пардоз қатламларининг зах ва сувдан намланиши, ёғоч конструкцияларнинг биологик таъсир - термитлардан зарарланиши, тебраниш ва зилзилалар каби параметрларини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, ишончли маълумотлар асосида обидаларни таъмирлаш ва сақлаш усуллари яратиш алоҳида аҳамият касб этади. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг (04.04.2002 й) 353-II-сонли “Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси”га оид ва (01.05.2017 й) ПФ-5030-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги дастурларида кўрсатилган меъморий ёдгорликларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқот ишларини бажаришга доир Фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

¹⁶ Хива – минг гумбаз шаҳри. — Т., 1997. — 5 бет



1-схема. Меъморий ёдгорликларнинг техник ҳолатига таъсир қилувчи салбий таъсирларни аниқлаш модели

Шунингдек, ҳозирги кунгача муайян объектлар учун ҳужжатлар, яъни ҳажмий-режалаштириш, муҳандислик-геологик шароитлари ва конструктив мустаҳкамлашга оид тавсиялар ва Хиванинг барча меъморий ёдгорликлари бўйича объектив маълумотлар мавжуд эмас, ҳамда тўпланган маълумотлар тизимлаштирилмаган. Мутасаддилар томонидан бу ҳужжатлар кўп ҳолларда нодир меъморий ёдгорликлар аллақачон, авария ҳолатига келиб қолган вақтида ишлаб чиқилади. Иккинчидан, мураккаб тизим билан тавсифланадиган, бир қанча параметрлари билан фарқланадиган тарихий ёдгорликларни ўрганишнинг ва қурилмаларининг техник ҳолатини баҳолашнинг услублари ишлаб чиқилмаган. Уларнинг ҳолати нафақат грунт асосининг мустаҳкамлигига, балки замин ва пойдеворларнинг хусусиятларига, ҳамда техноген юклама остидаги иншоотларнинг бир қатор конструктив тизимига боғлиқ. Ушбу муаммолар илмий жиҳатдан асосланган методологик ёндашувни талаб этади, бунда эса биринчи навбатда меъморий ёдгорликларнинг емирилишига таъсир қиладиган сабабларнинг аниқлаштирилиши лозим бўлади.

1950 йилдан бошлаб бинолар ва иншоотларнинг сейсмик таъсирларга нисбатан ҳисобини чиқаришда иншоотларни ҳисоблашнинг динамик методи қўлланилмоқда. Бинолар ва иншоотларни сейсмик таъсирларга нисбатан ҳисоблаш ҚМҚ, қўлланмалар, тавсиялар ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида олиб борилмоқда. Эслаб ўтилган норматив ҳужжатлар лойиҳалаштирилаётган ва қурилаётган биноларни ҳисоблаш учун мўлжалланган. 200-400 йил олдин қурилган меъморий ёдгорликлар учун эса бу норматив ҳужжатлар тўғри келмайди, чунки, меъморий ёдгорликларнинг конструкциялари ва материаллари бугунги кунда тикланаётган бинолар ва иншоотлардан тубдан фарқ қиладди. Бундан ташқари асрлар давомида меъморий ёдгорликларнинг мустаҳкамлигига бир неча кучли зилзилалар ва техноген факторлар (поездлар ва автомашиналар ҳаракати, свайлар қоқилиши ва саноат асбоб-ускуналари ишлари) салбий таъсир қилган.

Шу жумладан, Хива меъморий ёдгорликлари ҳам асрлар давомида бир неча бор кучли сейсмик таъсирларга учраганлар ва мунтазам равишда техноген хусусиятга эга бўлган таъсирларга ҳам учраб келмоқдалар. Бунинг оқибатида эски биноларда турли хусусиятдаги шикастланишлар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда Хива меъморий ёдгорликларининг шикастланиш даражасининг баҳоланиши визуал тарзда амалга оширилмоқда. Кўп сонли кузатишлар натижаларининг кўрсатишича, визуал шикастланишлардан ташқари, биноларда ёпиқ деформациялар пайдо бўлмоқда, вақт ўтиши билан эса ушбу деформациялар йиғилиб қолади ва улар бинолар емирилишининг асосий сабабчилари ҳисобланадилар.

Демак, дунё тамаддунида ўз ўрни бўлган ушбу меъморий ёдгорликларни ўз ҳолида сақлаш, уларни талаб даражасида таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш бўйича бажариладиган тадқиқот ишларини такомиллаштириш ниҳоятда долзарб ҳисобланади.




1- схема. Меъморий ёдгорликларни таъмирлашнинг комплекс усулининг назарий модели

Диссертациянинг учинчи боби “Хива тарихий меъморий ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлашда маълумотлар базаси яратишнинг аҳамияти” деб номланиб, унда шарқ меъморчилигининг тенгсиз жавоҳириларида бири бўлган навқирон Хиванинг Ичан Қалъа ва Дешон Қалъа ҳудудидаги, жами - 98 та тарихий меъморий ёдгорликлар бўйича маълумотлар банкини шакллантиришдаги бажарилган ишлар ва олинган натижалар ёритилган. Каталог тарзида яратилган “маълумотлар базаси”да ҳар бир обиданинг меъморчилик тарихи, ўлчамлари, фотосуратлари, бугунги кундаги техник ҳолатлари, қурилмалари ва уларда қўлланилган ашёлар тўғрисида кўпгина янги маълумотлар берилган. Унда тарихий обидаларнинг қуйидаги 5 та асосий хусусиятлари бўйича аниқ ўлчамлар, чизмалар ва тадқиқот натижалари ёритилган.




2003–2016 йиллар давомида Хива меъморий ёдгорликлари бўйича ўтказилган мониторинг-кузатувлар натижасида яратилган “Маълумотлар базаси”га асосан комплекс тадқиқот ўтказиш учун қуйидаги учта авария ҳолатидаги обидалар танлаб олинди:

1. X - XVIII асрларда қурилган Жума масжиди ва минораси



23-расм. Жума Масжидининг фасад қисмидаги минораси ва плани

2. 1838-1842 йилларда тикланган Саидниёз Шоликорбой мажмуаси



24-расм. Саидниёз Шоликорбой мажмуаси ва плани

3. 1804-12 йилларда қурилган КУТЛУҒ МУРОД ИНОҚ МАДРАСАСИНИНГ ПАСПОРТИ



1. Меъморий обида тикланган йил: -1804-1812 йилларда қурилган;

2. Меъморий обида жойлашган манзил: Қутлуғ Мурод иноқ мадрасаси Ичан-Қалъа музей кўриқхонасининг Полвон Дарвозага яқин худудида, жанубий томонидан Абдуллахон мадрасаси ва олди қисмидан Оллақулихон мадрасасига рўпарама-рўпара жойлашган.

3. Меъморий обида тўғрисида тарихий маълумот: Мадраса Хива хони Оллақулихоннинг остона тагига дафн этилган тоғаси, ҳарбий саркарда ҳамда Тўрткўл ҳокими бўлган Қутлуғ Мурод иноқ ҳомийлигида қурилган. Ривоятларга қараганда, Қутлуғ Мурод иноқ мусулмонлик арконларини жуда яхши билган илм-маърифатли, дину-диёнатли инсон бўлган экан. Шунинг учун у ўз ҳисобидан икки қаватли, 81 та ҳужрадан иборат мадрасани талабаларни бепул ўқитиш учун қурдирган ва ўлимидан сўнг хокини мадрасанинг бўсағасига кўмишни, жасади устидан илми-толиблар ўтиб юришини, - “мени гуноҳларим то қиёматгача тўкилиб турсин”, деб васият қилган¹⁷. Ўша давр қонунларига биноан шаҳар ташқарисида вафот этган киши у ким бўлишидан қатъий назар, «шоҳми у ёки гадо» шаҳар ичкарасига киритилмаган. Хива хони Оллақулихон тоғасининг жасадини васиятига кўра қалъа ичкарасига киритиш зарурати юзасидан уламоларга мурожаат этган. Уламолар, - агар қалъа деворининг дарвозаси ёнидан маълум бир жойи йиқилса қалъа ичкари ва ташқари бўлмасдан худди бир бутун бўлиб қолгандек бўлади, жасадни дарвозадан эмас, шу йиқилган жойдан киритиш мумкин, деб маслаҳат берадилар. Шу тариқа, хонликнинг энг мўътабар инсони Қутлуғ Мурод иноқнинг жасади қалъа ичкарасига киритилган ва ўзи қурдирган мадраса бўсағасига кўмилган.

4. Меъморий обиданинг ўлчамлари ва қурилиш материаллари тўғрисида маълумот:

Мадрасанинг умумий ўлчами - 57 х 44 м;

Мадраса ҳовлисининг ўлчами - 31,5 х 27,8 м;

Мадраса дарсхонасининг ўлчами - 5,0 х 5,0 м;

Мадраса Бош пештоқ равоқининг ўлчами - 7,20 м;

Мадраса ҳужраларининг ўлчами – 3,0 х 3,5 м;

Мадраса ҳовлисидаги сардоба диаметри – 7,15 м;

Мадраса тўла пишган ғишдан тикланган ва тўртбурчак шаклидаги мусулмон ғиштининг ўлчамлари - 29,5х29,5х5,5 см ва 29,0х29,0х5,0см;


Мадраса сардобаси ҳам пишган ғишдан тикланган бўлиб, ғиштнинг ўлчамлари -27,0х27,0х4,5 см., 29,5х29,5х6 см ва 28,0х28,0х5,5 см;

10 қатор ғишт ва 10 қатор лой қоришма катталиги (10р+10ш) – 75 см ни ташкил этади; Ғишт теришда ганч қоришмасидан фойдаланилган.

Қутлуғ Мурод иноқ мадрасасининг бош фасади учли равоқли икки ярусли равоқлардан ташкил топган. Ён фасадлар кичик деразалар билан таъминланган. Мадрасанинг бурчакларида гулдаста-миноралар мавжуд. Улардан икkitаси - жанубий-шарқдагиси ҳамда шимолий-шарқдагилари рельефга мос равишда чуқурроқ жойлашган. Гулдасталар қалинлиги 60 см бўлган ҳалқасимон деворли қилиб кўтарилган. Мадрасанинг режаси ўша


¹⁷ Абдурасулов А. Хива. Т.: “Ўзбекистон”, 1997

вақтларда Ўрта Осиёда олий диний мактаблар учун шаклланган ичкари томонларидан тўрт айвонли бўйлама ўқли композицияли схемага мос келади. Мадрасадаги хужралар сони 81 та, ҳовлисида гумбаз билан ёпилган зинапоя орқали тушиладиган сардоба мавжуд.



25-расм. Қутлуг Мурод иноқ мадрасаси бош фасади

Мадраса пишиқ ғиштдан бўлиб, биринчи қаватда юк кўтарувчи деворлар қалинлиги 120-140 см, иккинчи қаватида эса девор қалинлиги 80 см. ни ташкил этади. Том ёпмалари мураккаб шаклдаги характерли сферик гумбаз формалари мажмуасидан ташкил топган. Ђишт деворларда хужралар ички тарафидан махсус токчалар ва ҳавони шамоллатиш ҳамда қишки вақтларда хужраларни иситиш мақсадида фойдаланилган ковшондозларнинг жойи устидан, тутун чиқиши учун махсус вентиляция – мўрилари жойлаштирилган. Пойдеворлар ғишт деворлар сиртидан 15 ÷ 20 см ташқари томонга чиқарилиб, харсанг тошлардан терилган. Уларнинг кўйилиш чуқурлиги жанубий-шарқий қисмнинг жанубий томонида ер юзасидан 0,6 ÷ 0,8 метрни ташкил этади.



26-расм. Қутлуг Мурод иноқ мадрасасининг ярим плани

5. Меъморий обиданинг техник ҳолати:

Қутлуғ Мурод иноқ мадрасасининг юк кўтарувчи қисмларида жиддий - 50 мм гача ёриқлар пайдо бўлганлиги 1969 йилдаёқ қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига қарашли бўлган «ЎзНИИПИ реставрация» томонидан 1972, 1985 йилларда ўтказилган ва Хоразм Маъмун академияси, СамДАҚИ ходимлари томонидан 2005-2007 йилда ўтказган муҳандислик геологик кидирув ишлари натижалари кўрсатиши бўйича Қутлуғ Мурод иноқ мадрасаси 4,5 ÷ 5,0 м қалинликдаги кумоқ аралаш қумлоқ грунт қатламида барпо қилинган. Кейинги тўшама қатлам ўртача зичликдаги майда қумдир. Мадрасанинг жанубий-шарқий гулдаста-минорасининг (27-расм) асос грунти I тоифадаги ўта чўкувчанликга эга. 1969 йилдаги қаттиқ совуқ натижасида мадраса жойлашган ҳудуднинг ер юзасидан 1 м гача чуқурликдаги замин грунти музлаган ва кўпчиб қолган. Баҳорга келиб эса замин ва пойдеворнинг таркиби эриганлиги оқибатида, мадраса заминининг грунти оқувчан ҳолатга келган. Бунинг натижасида мадрасанинг асос грунтлари қўшимча чўкканлигидан жанубий-шарқий томондаги гулдаста-миноранинг пойдевори ҳам чўккан.

Гулдаста-минора ва унга туташ деворлар асослари грунтларига узатилаётган босимлар интенсивлиги бир хил бўлмаганлиги сабабли, гулдаста-минора ва девор туташ жойларида тик ёриқлар юзага келган ҳамда миноранинг қисман оғиши кузатилади (27-расм).



27-расм. Қутлуғ Мурод иноқ мадрасасининг авария ҳолатидаги гулдаста минораси ва пойдевор чўкишидан деворда пайдо бўлган ёриқлар

Яна шуни таъкидлаш лозимки, жанубий девор орқа қисмидан бир неча йил аввал грунт юза қисми кесиб олинган экан, натижада пойдевор асоси қарийб ер юзаси сатҳида бўлиб қолган. Бу ҳолат ҳам жанубий-шарқий бурчакдаги деформациянинг ортишига сабаб бўлган. Шунингдек, орқа томонда қурилган “Чойхона”нинг чиқинди сувлари ҳам минора тагидаги қадимги носоз сопол қувур ичидан сизиб чиқиб, пойдевор остида

намланишнинг кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ғишт деворли меъморий обидалар кучланганлик ва деформацияланганлик ҳолатига ўтишида ўта чўкувчан гилли асос грунтларининг қўшимча намланиши жараёнида айрим пойдеворлар қисмларига узатилаётган юкларнинг меъёридан ошиб кетиши асосий сабаб бўлар экан. Бугунги кунда мадрасанинг жанубий-шарқий қисмининг замини бўйича барча геологик тадқиқотлар ўтказилди ва гулдаста минора заминини ва пойдеворини мустаҳкамлаш бўйича керакли илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Меъморий обиданинг техник ҳолати:

Қутлуғ Мурод инок мадрасасининг

- Том ёпмаси – яхши;
- Жанубий –шарқий деворида 50 мм гача ёриқлар мавжуд;
- 3 та ташқи кўча деворлари – қоникарли;
- Цоколь қисмлари – $2 \div 3$ метргача намланган ва ғиштлири шўрланишдан зарарланган;
- Жанубий-шарқий гулдаста- минораси - авария ҳолатида;
- Қолган 3 та гулдаста-миноралари – қоникарли;
- Хужраларнинг ёғоч конструкциялари термитдан зарарланган;
- Бош пештоқнинг чап ва ўнг томонларидаги пойдеворидан бошлаб, 2-кават карниз қисмигача $3 \div 5$ см катталиқдаги ёриқлар пайдо бўлган;
- **Мадраса техник ҳолати бўйича (жанубий-шарқий гулдаста минорасидан ташқари) – қоникарли тоифага киради.**


Диссертациянинг тўртинчи боби “**Хива меъморий ёдгорликларини сақлаш ва таъмирлаш амалиёти бўйича тадқиқотларнинг илмий-методологик асослари**” деб номланган бўлиб, унда тадқиқотни бажариш жараёнида тарихий меъморий ёдгорликларни сақлашнинг турли характеристикалари бўйича ўтказилган баъзи тадқиқот натижалари келтирилган.

4.1. Меъморий ёдгорликларга ер ости сувларининг салбий таъсирини вақт давомида ўзгаришини аниқлаш

Асрлар ўтиши давомида ва фасллар алмашиши натижасида ҳар қандай мустаҳкам қилиб тикланган меъморий обидалар эскиради, емирилади, бузилади. Ушбу бузилиш сабабларини аниқлаш мақсадида илк бора қадимий пахсадевор меъморий ёдгорликларининг қурилиш материаллари бўйича ўтказилган, ҳамда ўрта асрларга оид пишиқ ғиштдан тикланган обидалардан олинган ғишт намуналарини синаш бўйича ўтказилган лабораториявий ишлар ва олинган натижаларни меъморий обидаларни сақлаш ва таъмирлаш ишларида бевосита қўллаш имконини яратади.

Табиий айниқса, техноген омиллар таъсирида вақтинча ва узоқ вақт давомида ривожланаётган ер ости сувларининг кўтарилиши ёдгорликлар пойдеворларининг намланиши ва деформацияланишига олиб келди. Бу муаммоларни ўрганиш учун Ичан Қалъанинг турли қисмларида грунт

сувларининг сатҳи(ГСС)ни ўрганиш бўйича меъморий обидалар ичида жойлашган, махсус танлаб олинган – 10 та кудуқлар бўйича ер ости сувлари сатҳининг вақт давомида, яъни фасллар ўзгариши бўйича (2000 йилдан 2015 йилгача) мунтазам равишда мониторинг-кузатув ишлари олиб борилди ва ўлчовлар ўтказилди (28-расм,а). Олинган натижалар асосида ер ости сувлари сатҳи ўзгаришининг ва ер ости сувларининг меъморий ёдгорлик пойдеворлари остидаги заминнинг нотекис чўкишига таъсирининг графиклари тузилди.



1-график. Вақт давомида- фасллар ўзгариши бўйича ГССнинг ўзгариши

Хива тумани бўйича ер ости сувлари чуқурлигининг 2010 йилдаги ўзгариши кузатилганда, унинг ер юзига энг яқин жойлашган ҳолати март ойида 1,33 м, энг чуқур жойлашган ҳолати декабр ойида 2,31 метр бўлган, яъни ўзгариш даражаси 0,98 м ни ташкил этган. Ер ости сувларининг ўзгариши Ичан Қалъа ҳудудининг 26 га майдонга эга бўлган қисмида турлича, масалан жанубий қисмидаги Пахлавон Маҳмуд мажмуасидаги ва Шерғозихон мадрасаси қудуғидаги сувнинг сатҳлари қишки (1,80 м) ва ёзги (1,30 м) мавсумларда бошқа обидалардаги кудуқлардаги сув сатҳига қараганда сезиларли даражада ўзгаради. Бу ҳолат албатта ушбу ҳудудлардаги тупроқ хусусиятига ва ер ости сувларининг жойлашиш қатламларига узвий боғлиқдир.

Хива меъморий обидаларининг техник ҳолатларини ва заминнинг гидрогеологик ҳолатини ўрганиш натижасида яна шу нарса аён бўлдики, кўпчилик ҳолларда жуда катта деформацияланган тарихий ёдгорликлар (яъни ёриқлар ўлчамларининг катталиги, сезиларли дарз кетишлар, чўкишлар, қийшайишлар ва ҳ.к. лар) техноген таъсир фаолияти билан боғлиқ бўлган – ер ости сув ўтказувчи тармоқлар йўналишида жойлашганлиги аниқланди.

2008 йилда Хоразм воҳасида қурғоқчилик бўлганлиги боис ер ости сувлари жуда камайиб кетди, ҳатто Қутлуғ Мурод иноқ мадрасасининг “сардоба-қудуғи” ичида юриб пастки ғиштларнинг ўлчамларини аниқлашга эришилди (28-расм, б).



а)



б)

28-расм. “Хон Дорихонаси (Зиндон)” обидасидаги қудуқдан (а) ва Қутлуғ Мурод иноқ мадрасасидаги сардобани ичида ўлчов олиш жараёни (б)

Ичан Қалъа музей кўриқхонасида ўтказилган тадқиқот жараёнида кўпчилик меъморий ёдгорликларнинг ички ва ташқи қисмларида атмосфера сувларини ва ишлатилган сувларни умумий канализацияга чиқариб юбориш учун мўлжалланган турли хил мрамрдан ишланган “адан” қурилмалари мавжудлиги кузатилди. Афсуски, инсонлар фаолиятдан келиб чиққан техноген салбий таъсирлар ҳамда таъмирлаш жараёнларида кўпчилик аданлар ёпилиб кетган.

Қадимги манбалардан ва меъморларнинг амалий ишларидан маълумки, ер ости суви тўпланишининг олдини олиш мақсадида энг осон усул сифатида кўп ҳолларда бино ва иншоотнинг яқинига “тут” ўсимлиги экилган, чунки тут ҳудудда (10-20 метргача масофадаги) ер ости сувларини илдизи орқали шимиб, транспирация қилиш (буғлатиш) хусусиятига эга. Тадқиқот натижалари асосида таклифлар ишлаб чиқилди ва 2006 йил март-апрел ойларида Хива туман ҳокимлиги ва Ичан Қалъа музей кўриқхонаси ходимлари билан ҳамкорликда ушбу ҳудудда тарихий ёдгорликларнинг муҳофаза зонасига етмасдан, мадрасаларнинг ҳовлиларига, қалъа атрофларига 120 донга тут кўчати ўтказилди (29-расм, а).

Саидниёз Шоликорбой мажмуаси минорасининг техноген салбий таъсирлардан авария ҳолатига келиб қолганлиги тўғрисидаги хулосалар асосида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилинди (2010-2012 йй.). Хива туман ҳокимлиги ва ИИБ бўлими назоратида обиданинг 2 томонига темир панжаралар ўрнатилди ва транспорт қатнови тўхтатилди (29-расм, б). Бу амалий ишлар натижасида, обида минорасининг деформацияланиш жараёнини (стабилизация) тўхтатишга эришилди.



а)



б)

29-расм. Ичан Қалъа атрофига экилган тут дарахтларини назорат қилиш (а) ва Саидниёз Шоликорбой мажмуаси атрофига ўрнатилган темир панжаралар (б)

Шунингдек, Ичан Қалъа девори атрофидаги (горизонтал) табиий захкашнинг кўмиб ташланиши натижасида меъморий ёдгорликларнинг пастки қисмлари намланишдан жиддий талофат кўраётганлиги тадқиқот натижаларида асосланди. Бу бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида мутасадди ташкилотларга мурожаат қилинди. Хива туман ҳокимлиги назоратида 2010-2015 йиллар давомида Ичан Қалъа девори атрофига 8 та тик кудук-дренажлар ўрнатилди ва мавжудлари таъмирланди.

4.2. Меъморий обидаларни сақлашда термитлар муаммоси

Термитлар муаммоси дунё миқёсидаги йирик муаммолардан ҳисобланади. Чунки, улар туфайли бино ва иншоотларга жуда катта миқдорда зарар етмоқда. Масалан, биргина Американинг 1982 йили термитлардан кўрган зарари 1 миллиард 170 миллион долларга етган¹⁸. “Туркистон термити” номи билан аталувчи биологик салбий таъсир сирасига кирувчи термит-ҳашорати мамлакатимизнинг кўпчилиқ ҳудудида аҳоли турар жойларини, тарихий маданий обидалар, иншоотлар ва бошқа қурилиш биноларининг ёғоч қисмларини кучли зарарлаб, мисли кўрилмаган даражада зиён етказмоқда (30-расм). Тарихий меъморий обидаларнинг термитлар туфайли зарарланиши тўғрисидаги маълумотлар адабиётларда деярли учрамайди. Меъморий обидаларни техник ҳолатини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказиш жараёнида ёғоч конструкцияларда термитлар фаунаси кенг тарқалганлиги маълум бўлди. Ушбу салбий ҳолатни эътиборга олган ҳолда, Хива меъморий ёдгорликларининг ёғоч конструкцияларини термитдан зарарланиши ва уларда термитлар фаунаси тарқалиши тўғрисида

¹⁸ Жугинисов Т.И., Лебедева Н.И., Абдуллаев И.И., Удрит Е.В. Семейная связь между термитами *Anacanthotermes* в колонии в условиях хорезмского оазиса. // В кн.: Термиты Центральной Азии: биология, экология и контроль (тезисы докладов Международного семинара), Ташкент, 2005, с.23-24.

кенгроқ маълумотларни тўплаш мақсадида 2010-2015 йиллар давомида биолог-олимлар билан ҳамкорликда бир қанча тадқиқот ишлари бажарилди.



**30-расм. Юсуф Ясовулбоши мадрасаси эшик тепаси
ёғочларининг термитдан зарарланиши ва термитнинг кўриниши**

Ичан Қалъа ва Дешон Қалъадаги тарихий меъморий обидаларда кенг кўламда назорат ва кузатиш ишлари амалга оширилди. Бу жойларда термитларнинг бор йўқлиги, ҳар бир обиданинг замин қисмида, яъни деворлари, дарвозалари, эшиклари, синчлари, токча ва ойна ромлари, ёғоч том ёпмалари бўйича натура ҳолида кузатув ишлари бажарилди. Натижада Ичан Қалъада жойлашган тарихий обидаларда туркистон термити кенг тарқалган бўлиб, жами 55 та тарихий ёдгорликлардан 31 тасида Туркистон термитидан шикастланиш аломати мавжудлиги қайд қилинган. Бу иншоотларнинг ёғоч устунлари термитлардан турли даражада зарарланган бўлиб, шикастланиш даражалари термит лой сувоқларига қараб аниқланди. Термитларнинг меъморий обидаларнинг ёғоч конструкцияларини шикаслан-тириш даражасига қараб 2 гуруҳга ажратилади.

Биринчи гуруҳга – термитлар жиддийроқ зарарлаган меъморий ёдгорликлардан – Ҳасан Мурод кушбеги масжиди, Юсуф Ясовулбоши мадрасаси, Амир Тўра мадрасаси, Паҳлавон Маҳмуд мажмуаси, Полвон Қори савдо уйи, Жума Масжид, Абдуллаҳон мадрасаси, Ислом Хўжа мадрасаси, Комил Хоразмий уй музейи, Мухаммад Амин иноқ мадрасаси киритилди. Иккинчи гуруҳга - термитлар нисбатан кам зарарлаган меъморий ёдгорликлар – Тош Ҳовли саройи, Ислом Хўжа минораси, Оллоқулиҳон Карвон саройи, Саид Аловуддин мақбараси, Отажонбой мадрасаси ва бошқалар киритилди.

Кучли зарарланиш даражаси термитларга хос лой сувоқларининг ҳаддан ташқари кўплиги, улар популяциясининг зичлиги, зарарланган ёғоч материалларинг ички қисми ғовак бўлиб қолиши каби белгилар асосида аниқланганлиги қайд қилинган бўлса, кучсиз зарарланиш даражаси намиққан янги лой сувоқлар бўлиши, термит популяциясининг нисбатан камлиги, яъни зарарланиш белгиларининг озлиги билан қайд қилинди.

Хива меъморий обидаларнинг турли даражада шикастланиш сабабларини ўрганишдан олдин, уларнинг жойлашган ўрнига, деворларининг

техник ҳолатига алоҳида эътибор берилди. Ичан Қалъа музей қўриқхонасида жойлашган, минг йиллик тарихга эга бўлган Жума Масжид меъморий обидасида 212 ёғоч устун ўрнатилган бўлиб, унда чуқурроқ изланишлар ўтказишга тўғри келди. Тадқиқотлар натижасида маълум бўлдики, Жума Масжид туманнинг пахта ва донини сақлаш учун омборхона вазифасини ўтаган (1940-50 йилларда) даврда, обидадан нотўғри фойдаланилган¹⁹. Ноёб ёғоч устунлар ўша даврда турли салбий таъсирлардан ўта зарарланган. Мониторинг кузатув натижаларига кўра ёғоч устунларнинг шикастланиши асосан қуйидаги икки характерда учраши аниқланди:

1. Механик шикастланиш (қийшайиш, эгилиш, ёриқлар ҳ.к.);
2. Биологик шикастланиш (ҳашоратлар, термит, моғорланиш).



31-расм. Жума Масжид меъморий ёдгорлигидаги термитлардан зарарланган ёғоч устунларга қўйилган “алдамчи озуқалар”

Масжид ёғоч устунларининг кўпчилиги биологик таъсир ҳисобланган - термитдан (30%) зарарланган. Ҳозирда термитларга қарши махсус ем-хўраклар тайёрланиб, Жума Масжиднинг ёғоч устунларига ва тўсинларига қўйилмоқда (31-расм).

Дунё мамлакатлари бўйича термитларга қарши курашнинг тавсия этилган усул ва воситалари етарлича самара бермаслигини ёки тавсия этилган асосий кимёвий предметларнинг одамларга, шунингдек, иссиққон ҳайвонларга ва атроф муҳитга кучли салбий таъсир кўрсатиши туфайли ишлаб чиқаришдан олиб ташланган²⁰.

Шунинг учун ҳам Хоразм воҳасида термитлар юзасидан фундаментал, илмий ва амалий тадқиқотларни чуқурлаштириш ниҳоятда долзарб муаммо ҳисобланади. Туркистон термитига қарши биологик кураш усуллари жорий қилиш, термитларга қарши самарали заҳарли ем-хўрак ишлаб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган. Ҳозирда академия олимлари томонидан, б.ф.н. А.Жуманиёзов раҳбарлигида лаборатория шароитида термитларга қарши махсус “биологик” ем-хўраклар тайёрланмоқда, ушбу ем-хўраклар на фақат

¹⁹ Меъмор А. Раҳманов хулосаси, 1997 йил.



²⁰ Абдуллаев И.И. Биологические особенности термитов хорезмского оазиса и меры предотвращения их вреда.: Автореф.дисс. наук. –Ташкент: 2002. -22с.

меъморий ёдгорликларга балки, сақланиб қолган тарихий уй-жойларнинг ва фуқароларнинг уй-жойларига ҳам қўйилмоқда.

Меъморий ёдгорликларни бир бутун (100%) мажмуа деб қарасак, уларнинг асосий юк кўтарувчи қурилмалари ва асосий элементлари (40%) ёғочлардан ташкил топган. Демак, уларнинг ҳолатини тўғри баҳолаш ва ўз вақтида назорат қилиб бориш зарур. Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, меъморий ёдгорликларни умрбоқийлигини таъминлашда ёғоч конструкцияларнинг техник ҳолатини тўғри баҳолаш ва уларни тўғри таъмирлаш ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Бажарилган тадқиқот ишлари республикаимиз микёсида ҳозирда меъморий обидаларни сақлашда муаммо бўлиб турган - ёғоч қурилмаларни биологик таъсирлардан ҳимоя қилишни таъминлайди ва уларни сақлаш имконини яратади.

4.3. Ислон Хўжа минорасинининг меъморий тузилиши ва обидани АКТ ёрдамида моделлаштириш

Миноралар тиклаш санъати Хивада асрлар давомида ривожланиб келган. Барчага маълумки, “Хива–миноралар шаҳридир!”, чунки Хивада бунёд этилган юзлаб миноралардан шу бугунги кунгача Ичан Қалъа ва Дешон Қалъада сақланиб қолган 16 та минора бус-бутун бизгача етиб келган. Лекин, бу минораларнинг ҳақиқий баландликлари тўғрисида маълумотлар жуда кам, борлари ҳам турли манбаларда турлича келтирилган. Масалан, Марказий Осиёда энг баланд минора ҳисобланган - Ислон Хўжа минорасининг баландлиги тўғрисида манбаларда аниқ бир ўлчам берилмаган. Л.Ю.Манковская, В. А.Булатоваларнинг “Памятники зодчества Хорезма” китобида бу миноранинг баландлиги - 44,5 метр, А. Абдурасуловнинг “Хива” китобида - 44 метр, Ш.Бекчановнинг “Хивага саёҳат” китобида - 55 метр деб кўрсатилган. Бошқа бир қанча рисоаларда ҳам аниқ асосланган далиллар билан берилган бирорта ҳисоб ишларини учратмадик. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Ислон Хўжа минорасининг ҳақиқий баландлигини ўлчаш бўйича тадқиқот ишлари замонавий асбоб-ускуналарда бажарилди.



32-расм. Геодезик услубда ўлчаш усуллари


Бунинг учун барча ашёлар (рулетка, чизғич, тахтачалар ва ҳ.к.лар) ва Теодолит 2Т2, Лазер масофа ўлчагич DLE 50 BOSCH ускуналарида фойдаланилди (32-расм). Ислои Хўжа минорасининг баландлигини аниқлаш ишлари геодезик услубда бир канча босқичларда бажарилди:

биринчи галда маълум нуқтага репер ўрнатиш учун жой аниқланди; талабга жавоб берадиган шаклда - Жума Масжид меъморий обидасининг жанубий девори ёнига “репер” ўрнатилди;

репер нуқтасига асбоб - теодолит ўрнатилиб, горизонтал текислик аниқланди ва минора билан кесишиш нуқтаси белгиланди;


миноранинг 4 та нуқтаси бўйича тепа элементларининг бурчаклари ўлчаб олинди (32-расм). Тадқиқот натижаларига кўра, Ислои Хўжа минорасининг ер сатҳидан умумий баландлиги 50,5 метрни ташкил қилиши аниқланди. Асбоблардан фойдаланишдаги ноаниқликларни ва ўлчаш нуқталарини нисбий хатоликларини ҳисобга олсак, бу миқдор ± 5 сантиметрга фарқ қилиши мумкин. Биз геодезик услубда миноранинг ер устки қисми, яъни миноранинг ҳақиқий баландлигини аниқлагандан кейинги вазиғамиз - бу жуда катта масъулиятли тадқиқот ҳисобланган - миноранинг ер остки қисмини ўрганишдан иборат эди. Чунки, минора қурилганидан шу давргача миноранинг ер остки қисми, яъни унинг замини ва пойдевори қандай ишланганлиги бўйича умуман тадқиқот олиб борилмаган, бу бўйича ҳеч қандай маълумот топа олмадик.

Дарҳақиқат, Хива миноралари В.Л.Воронина, В.А.Булатова, И.И.Ноткинлар томонидан умумий меъморий ёдгорликлар мажмуаси таркибида ўрганилган. Бу ўрганилган ишларни миноранинг конструктив тузилиши, зилзилабардошлик масалалари нуқтаи назардан етарли дейиш қийин, энг асосийси ушбу минораларнинг ер остки қисмлари – замини ва пойдеворлари ўрганилмаган.



33-расм. Ислои Хўжа минораси пойдеворини ўрганиш жараёни

Албатта, минора пойдевори қандай ишлангани тўғрисида турли хил гипотезалар, аниқроғи - “ушбу баланд миноранинг пойдевори ерга конуссимон шаклда киритиб ишланган бўлиши мумкин”, ёки “минора пойдеворига қумда ўсадиган “созок”, яъни ёнтоқ ўсимлигидан тикка “свай қозиқлар” қоқиб, унинг устига пойдевор ўрнатилган”, каби ноаниқ фикрлар бор эди. Ушбу фикрларнинг халқ орасида айтилиши ўз навбатида биз илмий ходимларни минора пойдеворини ўрганишга қизиқишимизни янада орттирди. Шу боис, Марказий Осиёда энг баланд минора ҳисобланган - Ислом Хўжа минорасининг пойдеворини ва унинг техник ҳолатини ўрганиш ишлари кечиктириб бўлмас вазифалардан биттаси эканлигини ҳис қилган ҳолда 2017 йил 10 апрель куни миноранинг ғарбий қисмида шурф қазиб, бир қатор янги маълумотлар олинди.



34-расм. АКТ графикасида Ислом Хўжа минорасининг ва пойдеворининг қирқимда кўриниши

Шу пайтгача очиб ўрганилмаган минора пойдеворини техник ҳолатини ўрганар эканмиз, биз илмий ходимлар ушбу жозибадор ва пурвиқор минорани қурилиш услубларини яна бир бора кашф қилгандек бўлдик. Минора танаси юқорига томон кескин нозиклашиб кетганидан у янада баландроқ кўринади. Моҳир усталар миноранинг диаметрини баландлик ортгани сайин камайтириб борганлар. Минорага баландлиги 38-42 см бўлган

120 та айланма зинапоя орқали кўтарилади. Ичкарига ёруғлик тушиб туриши учун айлана бўйлаб 10 та туйнук ишланган. Миноранинг энг тепасига баландлиги икки ярим метрлик мисдан ишланган кубба қўйиб, устига шамол ҳаракатига қараб айланиб турадиган хилол ўрнатилган. 1997 йилда бу ўнта бўлакдан иборат бўлган кубба ерга туширилиб, тилла суви билан қопланди ва ўқ тешиб ўтган жойлари таъмирланган.

Қадимдаги уста-меъморларнинг нодир меросини, яъни айнан қурилиш ва меъморчилик соҳасида қўлланилган зилзилабардошлик услубларини ҳар томонлама ўрганиш давр талабидир. Шурф қазиш жараёнида минора пойдевори тўлиқ ўрганилди.


Олинган натижалар қурилиш ва меъморчилик фани учун янгилик сифатида жуда катта аҳамият касб этади. Чунки, ушбу миноранинг пойдевори жуда мураккаб ва мустаҳкам ишланган бўлиб, энг ажабланарлиси пойдевор минора қурилганидан буён то ҳозирги давргача (110 йил давомида) ташқи салбий таъсирлардан ҳеч қандай зарар кўрмаган. Пишган ғиштдан (квадрат шаклидаги) ишланган ушбу пойдевор 4 та поғонадан ташкил топган, ҳамда “лента” шаклидаги махсус платформалар устига жойлаштирилган, ғиштлар ганч ва цемент қоришмаси билан терилган. Тадқиқот жараёнида яна бир алоҳида жиҳатни кўрдикки, бу - платформаларнинг шакли симметрик равишда 2 хил қилиб ишланган, яъни шимолий ва жанубий томонлари “учбурчак лента” ва шарқий ва ғарбий томонлари “тўртбурчак лента” шаклларида ишланган. Қурилишдаги бу ноёб услублар ёрдамида уста-меъморлар минора пойдеворини ўта мустаҳкам ва зилзилабардош қилиб ишлашга эришганлар.

Ислон хўжа минорасининг замини (айлана диаметри 18 метр) текислангандан кейин махсус лой қатлами билан сувалган. Бу билан биринчидан, пойдевор ер ости сувлари агрессив таъсиридан ҳимоя қилинган бўлса, иккинчидан, ушбу лой қатламининг юқори пластиклик хусусияти туфайли сейсмик таъсирни сўндиришга эришилган. Миноранинг конструктив ечимини таҳлил қилар эканмиз, минора деворининг ер сатҳидан - 1,0 метр баландликда қалинлиги 18-19 см бўлган мармар блоклардан гидроизоляция ва сейсмоизоляция қатлами қўйилган. Минорани тиклашда ишлатилган ушбу оқилона тадбир яъни, мармар блоklar зилзила пайтида сейсмик изоляцион сирпанувчи қатлам ролини ҳам бажаради.

Минора тагидан олинган тупроқ намуналарининг намланиши, шўрланиши каби бир қатор хусусиятларни замонавий лабораторияларда ўрганиш давом этмоқда. Таҳлил учун тупроқ намуналари 2 та нуқтадан 3 қатламда (0-0,5; 1-1,5 ва 2-2,5 метр чуқурликларда) олинди (35-расм). Тупроқ таҳлилларининг натижаларидан кўриниб турибдики, намлик бўйича энг паст кўрсаткич 1-нуқтанинг 0,5 метр чуқурлигида кузатилади (8,94%, 9,36 %), энг намлиги юқори жойлар эса 2-нуқтанинг 1-1,5 – 2-2,5 метр чуқурлигида кузатилди (11,21%, 11,20%) (1-диаграмма).

Тупроқ қатламлари шўрланиш даражасини аниқлаш учун сув ва тупроқ суспензиясининг солиштирама электр ўтказувчанлигини (ЕС) ўлчаш усули

қўлланилди ва “Тупроқ шўрланишининг ФАО бўйича классификацияси²¹” асосида баҳоланди. Таҳлил натижаларига кўра 2-нуқтанинг 0-0,5 ва 1-1,5 метр чуқурликларидаги тупроқ ўрта шўрланган ва бошқа қатламлардаги тупроқ кучли шўрланганлиги аниқланди. Энг кучли шўрланиш 1-нуқтанинг биринчи қатламида кузатилди (2-диаграмма).



35-расм. Тупроқ намуналарини олиш нуқталари ва қатламлари


Исломхўжа минораси асоси тупроқлари таҳлили

1-жадвал.


№	Тупроқ қатлами (чуқурлик, см)	Намлик, %	Тупроқ муҳити, рН	Электр ўтказувчанлик, ЕС, mS/cm
1	1а (0-50)	8,94	8,16	10,61
2	1а (0-50)	9,36	8,22	9,60
3	1б (100-150)	10,41	8,09	8,84
4	1б (100-150)	10,86	8,11	8,84
5	1в (200-250)	10,21	8,14	9,95
6	1в (200-250)	10,78	8,16	8,77
7	2а (0-50)	10,59	8,28	9,17
8	2а (0-50)	10,59	8,26	7,86
9	2б (100-150)	11,21	8,23	8,76
10	2б (100-150)	10,16	8,28	7,87
11	2в (200-250)	11,20	8,20	9,71
12	2в (200-250)	10,42	8,25	9,67

²¹ Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолашда электрокондуктометрик усулдан фойдаланиш бўйича қўлланма. САНИИРИ институти. Тошкент 2007 й.

1-диаграмма.

Исломхўжа минораси асосидаги тупроқ намлиги, %

2-диаграмма.

Исломхўжа минораси асосидаги тупроқ шўрланиш даражаси (ECe, mS/cm)

